

ШАРҚНИНГ ЕТТИ ЁҒДУСИ

(Ғазалар)

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ
НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1999

Шарқнинг етти ёғдуси: Шеърлар. - Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1999. — 128 б.

Мустақиллик деган неъматнинг қадр-қимматини ҳеч бир нарса билан ўлчаб бўлмайди. Зеро, мустақиллик бизга тарихимизни, қадриятларимизни, қўйингки, ўзлимизни қайтариб берди. Меросимизга бўлган муносабат ўзгарди. Уларни илмий ва ҳаққоний ўрганишга имконият пайдо бўлди. Маънавиятимиз, маданиятимиз тарихига бевосита ва билвосита ҳисса қўшган, биз учун номаълум бўлган ёки инкор этиб келинган алломаларнинг номлари эндиликда ҳар томонлама ўрганилмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ушбу китоб XVI асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача яшаб ижод этган Зебуннисо, Увайсий, Нодира бегим, Маҳзуна, Муаззамхон, Нозима, Самарбону каби ўзбек шоирларининг шеърларидан тартиб берилган. Бу шеърларда севги-муҳаббат, Ватан мадҳи, инсоний қадриятлар сингари туйғулар ўз аксини топган.

Аёллар йилига бағишланган ушбу шеъринг мажмуа кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ЎЗ

Нашрга тайёрловчи **Туроб Акбархўжаев**

Ш 4702620100 - 186 - 99 © Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999 йил
M361(04) - 99

ISBN 5-86484-082-5

МУҚҚАДИМА

1999 йил муҳтарам Президентимиз томонидан Аёллар йили деб эълон қилинди. Бу, аёлларни ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини, қадр-қимматини, обрўйини кўтарди, фаоллигини оширди. Зотан, ҳозирги ижтимоий тараққиётни, республикамиз истиқлолини, истиқболини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўтмиш маданий меросини, тарихини янгича ўрганишининг нурли истиқболлари очилди. Маданий меросимизни, миллий қадриятларимизни нотўғри, ғайриилмий қарашлардан тозалаб, тиклаш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келди. Хусусан, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашувда қилган маърузалари, кўрсатган йўл-йўриқлари ўтмиш маданий меросимизни, тарихимизни холисона, илмий-тадқиқ этишда, тўғри ёритишда асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Юртбошимизнинг кўрсатма ва йўл-йўриқлари шонли тарихимизни сохталаштиришга, бой маданий меросимизга, миллий қадриятларимизга паҳл назар билан қарайдек ғайриилмий ғояларга хотима берди.

Муҳтарам китобхонларга тақдим этилаётган “Шарқнинг етти ёғдуси” тазкираси XVI асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган тари-

хий даврда яшаб ижод этган ўзбек шоирларининг ҳаёти ва ижодини қамраб олади. Ўқувчилар Зебуннисо, Увайсий, Нодира бегим, Маҳзуна, Самарбону, Нозимахоним каби ўзбек шоирлари ҳақида маълумот оладилар, оташин ғазалларидан баҳраманд бўладилар.

Тўғри, илгари ҳам ўзбек шоирлари ҳақида китоб нашр этилган. Зеро, бугун замон ўзгарди. Янгича ижтимоий муносабатлар юзага келди. Ўтмиш тарихига, адабий-маданий меросига бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Шунинг учун нашриёт таҳририяти китобни нашрга тайёрлашда бугунги кун талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб иш кўрди. Юқорида номлари зикр қилинган ўзбек шоирларининг шеърларидан бир гулдаста ясаб, муҳтарам китобхонларга тақдим этишни лозим топди.

ЗЕБУННИСО

(1639—1702)

Оташзабон ўзбек шоираси Зебуннисо 1639 йилда Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида дунёга келган. У шоҳ Бобурнинг чевараси Абу Зафар Муҳиддин Аврангзеб — Оламгирнинг қизидир. Аврангзеб Заҳриддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда барпо этган бобурийлар давлатининг қудратли подшоҳларидан бири эди.

Зийрак Зебуннисо болалигиданоқ шеърятга, мусиқага, илоҳиётга, бир сўз билан айтганда барча билимларга катта қизиқиш ва ҳавас билан қаради. Қизида илм ва санъатга бўлган ҳавасни пайқаган отаси уни ўз даврининг кўзга кўринган олимларидан бўлмиш мударрис Муҳаммад Ашраф Исфаҳоний тарбиясига берди. Зебуннисо устозидан адабиёт-санъатдан, мусиқадан, илоҳиётдан, дунёвий билимлардан чуқур сабоқ олди. Фирдавсий, Дақиқий, Хусрав Деҳлавий, Носир Хусрав, Рудакий каби Шарқ мутафаккир шоирларининг ижодини пухта ўрганди. Шоира форс ва араб тилларининг сарф-наҳвини мукаммал эгаллади. Ўша давр анъанасига кўра шеърларини форс ва араб тилида ёзди. Шоиранинг ғазал ва рубойлари алам-изтироб, ҳижрон азобларининг бетакрор тимсолидир. Зебуннисо ўз асарларида бевафо

ошиқнинг ситамкорлигидан, фалакнинг каж-
рафторлигидан афсус-надоматлар чекади.

Зебуннисо шоиралик билан бир қаторда маъ-
рифатпарвар ҳам бўлган. Ҳиндистон шоирла-
ри, олимлари, санъаткорларининг чинакам ғам-
хўри ва ҳомийси эди. Уша даврнинг кўп олим
ва шоирлари шахсан Зебуннисодан маош олиб
кун кечирганлар. Жумладан, Ҳиндистонда яшаб
ижод этган Мирзо Абдуқодир Бедилнинг қизи
Зебуннисо тарбиясида шоира бўлиб камол топ-
ган. Бундай мисоллардан кўплаб келтириш мум-
кин. Шоира ҳурфикрлилик ва шахс эркинли-
гини тўлиб-тошиб куйлади. Мавжуд даврдаги
ҳаёт, хусусан, сарой муҳити шоирага ҳеч ёқмас-
ди. Шунинг учун Зебуннисо отаси Аврангзеб-
нинг таъқибидан бўлди. Шоҳ Аврангзеб қизи-
нинг ҳур, эркин фикр юритишидан ҳайиқиб,
уни мудом кузатув остига олди. Шу боис бўлса
керак, шоира маликаликдан фақирликни аф-
зал билди. У ўз ғазалларидан бирида мана бун-
дай деб фигону нолалар чекади:

Лайли зотидан эсам-да, дилда Мажнунча ҳаво,
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.
Шоҳ қизи бўлсам-да, қилдим фақр йўлин ихтиёр,
Бас менга бу зебу зийнатким, отим Зебуннисо.

Зебуннисо шоҳ қизи бўлса ҳам кибр-ҳаво,
манманликдан узоқ юрди. Зулм-зўрликдан,
ёвузликдан нафратланди. Фақирларга, бева-бе-
чораларга шафқат ва мурувват қилди. Мазлум-
нинг қувончини ўз қувончи, ғамини ўз ғами деб
билди. Ҳиндистон, Покистон адабиётшунос ва

тарихчи олимларининг фикрига қараганда Зебуннисо бадий ижоддан ташқари фалсафа ва илоҳиётга ҳам қаттиқ қизиққан. Илоҳиётга оид катта илмий асар ёзиб, устози Ашраф Исфаҳонийга бағишлаган.

Оташзабон шоира дунёдан тоқ ўтди. Шоирага уйланмоқчи бўлган шаҳзодалар, асилзодалар унинг соч толаларидан ҳам кўп эди. Аммо шоира улардан бирортасини ҳам ўзига муносиб кўрмади. Чунки Зебуннисо ақл-идрок, фасоҳат, назокат, илм ва санъат бобида улардан анча устун турарди. Умрини эзгулик ва нафосатга бағишлади. Шоира “Менинг ёрим ҳам китоб, бахтим ҳам китоб, ҳатто жаннатим ҳам китоб”, деб ёзганди. У ана шу аҳдида содиқ қолди.

Шоира ҳаётини ва ижодий фаолиятини тадқиқ этиш юзасидан республикамизда анча ишлар қилинган. Хусусан, етук адабиётшунос олим, жонкуяр тадқиқотчи Тўхтасин Жалолов амалга оширган илмий-тадқиқотлар диққатга сазовордир.

Зебуннисонинг ғазалларига куй басталанган. Улар халқ ҳофизлари томонидан маҳорат билан ижро этилиб келмоқда. Мамлакатимиздаги кўпгина маданият масканлари, кўчалар, хиёбонлар Зебуннисо номи билан аталади.



ПИР ШУД ЗЕБУННИСО

Дур бод аз тан саре к-оройиши доре нашуд,
Вишканад дасте, ки хам бар гардани ёре нашуд.

Дар қиёмат сар чи сон берун кунад аз жайби хок?
Синайи он кас, ки доғи лола рухсоре нашуд.

Дар назар шоҳид надори дийда аз олам бигўш,
Кўр беҳ чашме, ки лаззатгири дидоре нашуд.

Сад баҳор охир шуду ҳар гул ба фарқе жо гирифт,
Ғунчаи доғи дили мо зеби дасторе нашуд.

Ҳайф бар аммомаи зоҳид ба чандин печутоб,
Риштаи тасбеҳ гашту тори зунноре нашуд.

Ҳар матоеро харидорест дар бозорҳо,
Пир шуд Зебуннисо, ўро харидоре нашуд.

* * *

Тандин ажралсин у бош, гар лойиқи дор ўлмаса,
Синсин ул қўл, ёр бўйнида агар бор ўлмаса.

Ул киши қандай кўтаргай тонгла маҳшар бошини
Гар унинг кўксида доғи лоларухсор ўлмаса?

Бу жаҳондан кўзни юм, кўз олдида ёр ўлмагач,
Кўр бўлмоқ яхшидир, ул кўзи хуммор ўлмаса.

Юз баҳор охир бўлиб, ҳар чаккадан жой олди гул,
Ҳайфдир бизнинг гулимиз зеби дастор ўлмаса.

Ҳайф зоҳид салласига ким, бу печутоб ила,
Тасбеҳига ип бўлиб, зуннор учун тор ўлмаса.

Ҳар матога бор харидор ҳусннинг бозорида,
Не учун Зебуннисо қарриб, харидор ўлмаса?

Д.Муҳаммадқулов таржимаси

ЧАШМИ СУРМАСО ИНЖОСТ

Биёки зулфи каж-у чашми сурмасо инжост.
Нигоҳи гарму адоҳойи дилрабо инжост.

Карашма — теғу, мижа — ханжару, ниғаҳ — алмос,
Шаҳодат ар талаби Дашти Карбало инжост.

Агар биҳишт диҳандат фиреби кас на хури,
Қадам зи майкада берун манеҳ, ки жо инжост.

Ба тавфи Каъба кужо мерави, диле дарёб,
Ки халқ беҳуда жон мекананд, жо инжост.

Зи пой то сари у ҳар кужо ки менигарам,
Карашма домани дил мекашад ки: жо инжост.

Китобхонаи олам варақ-варақ жустам,
Хати ту дидаму гуфтам, ки: “муддао инжост!”

Закоти ҳусн агар медиҳи баройи худо,
Биёки Зебуннисо ҳамчу ман гадо инжост.

* * *

Зулфи ҳалқа-ҳалқау кўзи қаро бу ердадир.
Боқиши шафқатли-ю, нозикадо бу ердадир.

Киприги ханжар, карашма тиғу кўз ташлаш яшин,
Гар шаҳид бўлмоқчи эрсанг, Карбало бу ердадир.

Берса ҳам жаннатни, алданма кишилар сўзига,
Бир қадам майхонадин жилмаки, жо бу ердадир.

Казбага бормоқ на ҳожатдир, агар дил овласанг,
Беҳуда йўллар кезар бу халқу, жо бу ердадир.

Ҳуснига бошдан-оёқ боққанда ҳар бир нуқтадин,
Дилни тортиб ҳар карашма, дерки: жо бу ердадир.

Изладим бир-бир жаҳонда ҳар неча бўлса китоб,
Кўрдиму хаттингни дедим: мудлао бу ердадир.

Истасанг ҳуснинг закотини берарга мустаҳиқ,
Келки, бу Зебуннисо янглиғ гадо бу ердадир.

М. Муинзода таржимаси

НОМИ МАН ЗЕБУННИСОСТ

Гарчи ман Лайли асосам дил чу Мажнун дар ҳавост,
Сар ба саҳро мезанам, лекин ҳаё занжири пост,

Булбул аз шогирдиям шуд ҳамнишини гул ба боғ,
Дар муҳаббат комилам, парвона ҳам шогирди мост.

Дар ниҳон хунам, ба зоҳир гарчи ранги ғозаам,
Ранги ман дар ман ниҳон чун ранги сурх андар ҳиност,

Баски бори ғам бурун андохтам бар рӯзгор,
Жома нилий кард инак бин, ки пушти дугост.

Духтари шоҳам валекин рӯ ба фақр овардаам,
Зебу зийнат бас ҳаминам: номи ман Зебуннисост.

* * *

Лайли зотидан эсам-да, дилда Мажнунча ҳаво,¹
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.

Мендан ўрганди-ю бўлди гулга булбул ҳамнишин,
Менгадур парвона ҳам шогирду, ишқимдур расо.

Зоҳиримдур ғозаранг, аммо ниҳоним қон эрур,
Ўз ичида сақлагандек қип-қизил рангни ҳино.

Баски қўйдим мен фалакнинг елкасига ғам юкин,
Кийди мотам тўнини-ю, бўлди қалди ҳам дуто.

Шоҳ қизи бўлсам-да, қилдим фақр йўлин ихтиёр,
Бас менга бу зебу зийнатким, отим Зебуннисо.

М. Муинзода таржимаси

¹ Ҳаво — ҳавас, истак, орзу, ишқ.

ШАКАР МЕТАЛАБАМ

Ман аз даҳани мор шакар металабам
Аз хонаи анкабут пар металабам,
Аз синаи наррашер шир металабам,
Аз марди бараҳнапой зар металабам.

Т а р ж и м а с и:

Мен илон оғзидан шакар талабман,
Ўргумчак инидан мен зар талабман,
Эркак шер кўксидан сут талаб қилсам,
Оёқяланглардан сим-зар талабман.

Ш.Шомуҳамедов таржимаси

БУЛБУЛ АЗ ГУЛ БУТЗАРАД

Булбул аз гул бутзарад гар дар чаман бинад маро,
Бутпарастий кай кунад гар барҳаман бинад маро?
Дар сухан пинҳон шудам монанди бў дар барги гул,
Майли дийдан ҳарки дорад дар сухан бинад маро.

Т а р ж и м а с и:

Андалиб гулдан кечар бориб чаман кўрса мени,
Бутпарастлик қилмагай, гар барҳаман кўрса мени.
Сўзаро бўлдим ниҳон хушбўй гуллар баргидек,
Кимки кўрмоқ истаса сўз ичра шан кўрса мени.

О.Бўриев таржимаси

УВАЙСИЙ

(1779—1845)

Увайсий XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида Кўқонда яшаб ижод этган энг пешқадам, таъби равон шоиралардан биридир. Унинг исми Жаҳон отин бўлиб, марғилонлик бир фозил кишининг фарзанди эди. Бизнингча, Увайсийнинг отаси бадий адабиётнинг чинакам муҳиби бўлиб, қизининг бу соҳадаги иқтидорига алоҳида қизиқиш билан қараган. Унга адабиёт назариясидан, тасаввуфдан сабоқ берган, ўзбек ва форс тилларини чуқур ўргатган, зийрак ва зукко Жаҳон тез орада шоира бўлиб етишиб, Увайсий ва Вайсий тахаллусларида бадий мукамал ғазаллар ёзиб, эл ичида шоира, отин — муаллима ва сухандон аёл сифатида танилган.

Увайсий Умархон саройида шоирлар тўпланганини ва улар орасида муттасил мушоиралар, нафис суҳбатлар бўлиб туришини эшитганди. Шоира ана шу мушоираларда қатнашиш, шеърларини катта ижодкорлар назаридан ўтказиб, ғазалларига муносиб баҳо олиш иштиёқи билан яшарди. Кунларнинг бирида шоиранинг шу орзусини амалга ошириш учун қулай шароит вужудга келади. Шоира сарой мушоиралардан бирида иштирок этиб, ўзининг маҳоратини намоён қилади. Увайсийдаги маҳоарт, назокат,

ақл-заковатни кўрган Умархон — Амирий уни саройдаги аёлларга мураббий этиб тайинлади. Увайсий шундан кейин сарой мушоираларида фаол қатнаша бошлади. Шоира мушоира деб аталмиш ўзига хос шеърий мусобақаларда ўз ғазалларини шоирларнинг назаридан ўтказиб юксак баҳо оларди. Тўғри, Увайсийни ижодий рақиблари ҳам йўқ эмас эди.

Увайсий шеъриятда Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб каби йирик шоирларнинг энг яхши анъаналарини давом эттирди. Уларга янги маъно берди. Шарқ мумтоз адабиётидаги маҳзун лирик қаҳрамоннинг янги қирраларини очиб беришга ҳаракат қилди. Фалакнинг тескари айланишидан, ёрнинг бевафолигидан, ҳаётнинг оғирлигидан, тақдирнинг шафқатсизлигидан зорланди. Лекин замон оғир, маҳбубаси бевафо бўлса ҳам Увайсий умид ва эзгу ниятлар билан яшайди, ёр жафокор бўлса ҳам, шоирага зулм қилса ҳам ундан юз ўтirmaди, ўзга дилдорага қайрилиб қарамади. — Бунга бир мисол келтирайлик:

Увайсий юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридин доим,
Ўгурма юз андин, солма кўзни ўзга дилдора.

Шоира замона кулфатидан, чархнинг бемурватлигидан, давр тиғидан бағри жароҳатланганлигидан фарёд чекади. У ўзини ёлғиз ҳис этади. Чунки ўша замонда унга ҳамдард, ҳамфикр бўладиган ақли расолар жуда кам эди. Изтиробларини ичига сиғдира олмай дард-алам билан шеър битади:

Замона кулфатидан бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедод рақиблардин,
Бу кўтаҳфаҳм мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Увайсий мавжуд ижтимоий тузумдаги кулфатларни, иллатларни бошқа шоирлардан илгарироқ пайқаб олди. Ўз даври савиясидан анча юқори кўтарилди. Баъзи сарой шоирлари сингари фақат ишқий ғазаллар ёзиш билан чекланиб қолмади. Замон руҳи уфуриб турган мазмунан теран, шаклан гўзал ғазаллар яратди. Шоира “Воқеоти Муҳаммад Алихон”, “Карбаломна” деб номланган шеърӣ ҳикоялар ҳам ёзди.

Шоирадан бизга мукамал девон етиб келган. Девондан юқорида номи кўрсатилган икки шеърӣ ҳикоя, 269 ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас ва бир мурабба ўрин олган. Улар биридан жозибадор, бир-биридан мафтункордир. Хусусан, Увайсийнинг Навоӣ ва Фузулий каби буюк устоз шоирларнинг ғазалларига боғлаган мухаммасларни ҳайратланиб, завқ-шавқ билан ўқийсиз.

Увайсий ўз даврининг энг йирик шоирларидан биридир. Шоира замондошларининг руҳӣ кечинмаларини, ҳис-ҳаяжонларини дарҳол пайқаб олиб, завқ-шавқ билан ижод этди. Уларнинг дилидаги, тилидаги гапларни, нозик туйғуларни ғазалга кўчирди. Бу ғазаллар қанчадан-қанча дилларга эзгулик, нафосат бахш этди ва ҳамон бахш этиб келмоқда.

УВАЙСИЙМАН

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман.

Истадим бу оламини, топмадим вафо аҳли,
Барчадин юмиб кўзни, муддао Увайсийман.

Ўз дилинг тааллуқдин банд қил худо сори,
То дегил кеча-кундуз мосиво Увайсийман.

Кечалар фиғонимдин тинмади кавокиблар,
Арзу то само узра можаро Увайсийман.

То кўриб хароботин, таън этма, эй зоҳид,
Бир нафас эмас холи, иқтидо Увайсийман.

Қаҳр боргоҳига қўйса гар қадам ҳар ким,
Бош анга керак бўлса, жон фидо Увайсийман.

“Вайсий бериёзат” деб, саҳл тутма, эй ориф,
Ишқ аро ниҳон дарди бедаво Увайсийман.

ЗАБОНИНГНИ

Забонингни кетургил, эй шакарлаб, тўти гуфтора,
Нечукким, марҳамат ўлсун неча мендек дилафгора.

Нигоҳинг ташлагил, лутф айлабон, эй шўҳи бепарво,
Йўлингда интизор ўлгон мани бул ошиқи зора.

Мени “лоядхулу!” деб, маҳрум этма, боғбон аҳли,
Азал деҳқони бағрим қонини сочкан бу гулзора.

Харидор ўлдим ул “наҳнуқасамно” да санга дилбар,
Замон аҳлини кам деб солма кўп ҳуснингни бозора.

Элимда бош ила жон хориж ўлғум икки оламдин,
Қилиб жаллодлик кўрсатма зулмингни харидора.

Бағир қоним эди саҳрода бутгон лолаи рангин,
Биҳамдиллаҳ на соат, кун эди сончилди дастора.

Хабардор ўл харобот аҳли ичра соқийи даврон,
Паё-пай тут аёғинг ташналаб ўлгон бу хуммора.

Муяссар бўлмаса, гар тоқи абру саждагоҳингдин,
На ҳосил санга, зоҳид, ташлағил бўйнингни зуннора.

Увайсий, юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридин доим.
Ўтурма юзни андин, солма кўзни ўзга дилдора.

МАСТОНА-МАСТОНА

Хиром айлар гулистон ичра ул мастона-мастона,
Табассумдин намоён айлабон дурдона-дурдона.

Тамошо чоғида монигьдурур кўздин юрак қони,
Бу ҳасратдин тўкар мардумларим маржона-маржона.

Майи гулранг ародур жилвагар рухсори, эй соқи,
Таваққуф айламай сўнғил яна паймона-паймона.

Ўша шўхи ситамгарни бўлурму ошно деб ҳеч,
Рақибга илтифот айлар, манга бегона-бегона.

Манга то болу пар эрди хаданги тири пайкониинг,
Етолмам ошёнингга ки бол афсона-афсона.

Хати Хизр ила ораз даврида зулфи зарафшони,
Гул атрофида гўё сунбули райҳона-райҳона.

Мани девоная бу хирқа фақр олудасидур беҳ,
Ани бермам ҳарири кисвати султона-султона.

Қаю бир тун аро рухсори жонона назар солғач,
Бу кўз ойинаси ҳуснигадур ҳайрона-ҳайрона.

Увайсийдур рафиқи дарду ҳижрона эрур мунис,
Фами дилдор бирлан доимо ҳамхона-ҳамхона.

КҮНДАЛАНГ

Гул эмас то бўлмаса олдида хори кўндаланг,
Ёр кўйи эрмас ул, йўқ, дилфигори кўндаланг.

Ул санам кўйига еткайман дебон қилма наво,
Йўл аро неча санингдек интизори кўндаланг.

Шўхлик бирла муноди қилдириб қон тўккали —
Кирса майдон ичра улдам, шаҳсувори кўндаланг.

Ҳар киши Мансурдек берса “аналҳақ”дан хабар,
Ул замон бўлғай ани олдида дори кўндаланг.

Вайсий сўз кўтоҳ қил, дам урма нодонлар аро,
Сўзни соф эткунча то чиқмай ғубори кўндаланг.

ДИЛБАРО, ЮЗУНГ УЗРА

Дилбаро, юзунг узра кокулунг паришон қил,
Ҳуснинга ниқоб ўлсун, мақсадимни пинҳон қил.

На деб эътироз эттинг мустаманди зоринга,
Журм кўп эса афв эт, лабларингни хандон қил.

Ташналиғдадур мискин, гушнаליғдадур ғамгин,
Фақр аҳлин доҳили хотами Сулаймон қил.

Қатра май гадолардин, соқидё, дариф этма,
Ақлдин қилиб фориф, мастлиғда султон қил.

Жонни можаросига сабр айлағил, эй тан,
Рашқдин яқиндур бул чиқмоғига, меҳмон қил.

Мунда етмади Вайсий васлингни баҳосига,
Юмди кўз бу оламдин, раҳм айлаб арзон қил.

КЎЗЛАРИНГ ФИРОҚИДА

Кўзларинг фироқида танда лолагун қонлар,
Қилғали тамошосин саф чекибди мужгонлар.

Эй ганий, карам айлаб ҳуснунги закотидин,
Фақр аро гадоларга айлағайсан эҳсонлар.

Ўлмайинму ўксукдин, манга қилмадинг парво,
Файр аҳлига на деб марҳамат фаровонлар.

Зоҳидо, ҳазар қилғил хўбларни домидин,
Ҳалқа-ҳалқа нур узра зулфидур паришонлар.

Сабр анжуман эттим, бўлмади мурод ҳосил,
Тишладим адаб тошни токи синди дандонлар.

Бул шарораи оташ саҳл тутма, эй маҳбуб,
То чиқорди оҳимни кўнглум ичра сўзонлар.

ГУЛЗОР РАЪНОЛАНМАСУН

Оразинг зеб айла то гулзор раъноланмасун,
Лаълдин сўз эт дури шаҳвор раъноланмасун.

Қатраи сув комима қуйғил лабинг серобидин,
То қиёмат бўлғуча хуммор раъноланмасун.

Зарра саргардон этиб ташла висолингдин шифо,
Жисмима ҳажринг аро бемор раъноланмасун.

Дилбаро, бошинг учун ғайриға раъно этма сўз,
Деди раъноланмаса, ночор раъноланмасун.

Таънадин ўлдум букун, ишқингга мандин сўнгни эл
Вайсийдин бир панддур, иқрор раъноланмасун.

ОШИҚ БЎЛМИШАМ

Бир пари пайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам,
Лаъли дилкаш, сўзи хуш дилдора ошиқ бўлмишам.

Мадди оҳим кўкдадур, сориф юзумда ашки ол,
Ул қади раъно, юзи гулнора ошиқ бўлмишам.

Қилма гулқандинг ила заъфим иложин, э ҳаким,
Манки, гулбарги шакар гуфтора ошиқ бўлмишам.

Нолау афгон этарман қумридек булбул каби,
На учунким, сарви гулрухсора ошиқ бўлмишам.

Лабларингдин то кўринмиш хуш-хуш инжу тишларинг,
Лаъли бирла ул дури шаҳвора ошиқ бўлмишам.

Дўстлар кўнглум олон зулфи мусулмонкуш эрур,
Кофиредур, кокули зуннора ошиқ бўлмишам.

Ўзни қутқармоқ учун елдим-югурдим ҳар сари,
Оҳ вовайлоки, бора-бора ошиқ бўлмишам.

Манзилу кўю, алойиқ бандидин озодман
То тариқи Ҳожаи Аҳрора ошиқ бўлмишам.

Баски, саргардон, қуюн янглиғ югурмақдур ишим,
Ишқ водисиға ман овора ошиқ бўлмишам.

Вайсийдин хуш истамаклик йўқ муносиб, не учун?
Бир пари пайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам.

АЙЛАМИШ

Раҳм қил, ёраб, фалак моҳимни пинҳон айламиш,
Меҳр ободини султоним ки вайрон айламиш.

Ой юзини нуридан олам мунаввар бўлдимки,
Масканимни билмадим бир йўли зиндон айламиш.

Йиғламайму қон ютиб, бўлдимки жонондин жудо,
Фурқати ул шаҳсувор ашкимни тўфон айламиш.

Базмгоҳини ити эрдим ки васли ичра ман,
Ҳажр жаллоди ялоғимни қаро қон айламиш.

Шукр тасбеҳин тилимдан манъ қилдимму экан,
Ҳар жазоға қадр ўтмакликни чандон айламиш.

Излабон қон йиғласанг ҳам ўтти вақти фурқати,
Фоний оламда гадоу шаҳни меҳмон айламиш.

Вайсиё, хатм ўлди ўхшар васл бу олам аро,
Тангри маҳшаргоҳда мушкилни осон айламиш.

ЯХШИ

Жафо чекканлара, жоно, вафолиғ қилганинг яхши,
Асири ишқ улонларға шифолиғ қилганинг яхши.

Дили мажруҳими захмиға марҳам берсанг, эй сайёд,
Ҳадангингга нишон айлаб яролиғ қилганинг яхши.

Муяссар бўлса васлинг чунки бермаклигимдин сўнг,
Танимдин дар маҳал жоним жудолиғ қилганинг яхши.

На лозим юз ўгурмоқ ташнадурман, бергил, эй соқи,
Қадаҳ илгимга, андин иддиолиғ қилганинг яхши.

Мани маҳрум этиб шаҳло кўзингдин, эй харидорим,
Каси арзонни гафлаттин баҳолиғ қилганинг яхши.

Бақосиз билдинг эмди бу жаҳон раъноларни, э дил,
Бориб майхона кунжида фанолиғ қилганинг яхши.

Букун ёр олдида қўйғил, Увайсий, шўру гавғони
Худо қози бўлон кун можаролиғ қилганинг яхши.

ЎРГУЛАЙ

Дилрабо, ўлтур, бошингдин мисли гардун ўргулай,
Ақлими барбод этибон мисли Мажнун ўргулай.

Итларинг бағримни бурда қилди, танни реш-реш,
Жори айлаб қонларимни жома гулгун ўргулай.

То кўриб расволиғим ор этма, эй хуш маъдани,
Бовар эткил кеча-кундузларда макнун ўргулай.

Лабларинг ҳажринда бағрим лахта-лахта қон эрур,
Оқузуб кўз чашмасидин ашки пурхун ўргулай.

Соқие, жон етди лабга, ваъда қил лаълинг майин,
Гарчи ман лабташнаман, хуммори мамнун ўргулай.

Тангри халқ этмиш мани муфлис гадолардин нетай,
Йўқ, дирам, йўқ, тоатим, кўз ёши Жайхун ўргулай.

Демоғил Вайсийни сан “ул Вайсийни бехонумон!”
Фаҳм қилғин ҳасратим, ҳоли дигаргун ўргулай.

КҮНГУЛ ДОҒ ЁЛДИ, ДОҒ ЁЛДИ

Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди,
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди рақиблардин,
Бу кўтоҳфаҳм мардумдин кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Бу гулзори фано ичра маҳалли беҳалал йўқдур,
Ҳамеша захми хородин кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса йўқ огоҳ,
Қабиҳ гуфтор мардумдин кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Кўнгул қони фароғи дийдадин бир лаҳза банд ёлмас,
Вужудим изтироб айлаб кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Турубдур бағрим ичра қон мисоли гунча, найларман.
Очилмай гул сифат ушбу кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Сўзимдан хотиринг узра гумоне ўзга еткурма,
Ки изҳор айламай найлай, кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Мени расвойи оламдин мабодо эътироз этма,
Такаллум бирла шод айла, кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Кўнгулни оташин бежо қилибдур нутқи гуфтори,
Қаю боғ андалибидин кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Бу сўзни айлади барпо ажаб густоҳлиқ бирла,
Малоли хотир ёлғайму, кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Ажаб ашъори мавзун боғлади Вайсий ҳасаддинким.
Умархон Zufунунеским, кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

ЭШИТГИЛ АРЗИ АХВОЛИМНИ

Эшитгил арзи ахволимни, эй шоҳи жаҳон, тақсир
Ки, изҳор айлаёлмам, дилда кўп дарди ниҳон, тақсир.

Жунуним хайли ақлим масканин торож этган вақт,
Тутинг маъзур, бунёд айласам оҳу фиғон, тақсир.

Паришонҳол зоҳир ўлди куйгай ҳушманд аҳли,
Нечунким қуймасин доим, ёшим оби равон, тақсир,

Таажжуб этмагил, шоҳо, кўриб ҳоли дигаргуним,
Кеча-кундузки ман расво-у, ул соҳибқирон, тақсир.

Назокатлиғ сўзингга қанду шаккар ҳаммасоф ўлмас,
Қуя олмас элингга сувни Билқиси замон, тақсир.

Муносиблиққа деб бордим санга, Юсуф — Зулайхосан
Ки, асло тушмасин ўтруға бир ғайри дадон, тақсир.

Забарга хат уриб зер айламуш ул котиби иқбол,
Анинг-чун ақли кўтоҳлар ўқурлар инни он, тақсир.

Сиришким донасин кўрди юзим тупроғида андин,
Маломат кушлари бошимға қулмуш ошиён, тақсир.

Вужудинг сабр тоғидур, дилингким ақл боғидур,
Дедиким билганича Вайсийи бир нотавон, тақсир.

ФАНИМАТ

Дунёни букун даврина даврони фанимат,
Келтурди халойиқники меҳмони фанимат.

То булбули мастона суханрезини бул дам,
Айвони жаҳон боғу гулистони фанимат.

Умрунгни баҳорида муҳаббатни суғорғил,
Кўз мардумининг гиряи борони фанимат.

Очғил кўзинг, эй дил, қилакўр вақти тамошо,
Айёми жаҳоннинг маҳи тобони фанимат.

Фазли била ул ғунчай нашкуфта очилмиш,
Сайри чаману ҳам гули хандони фанимат.

Вайсийи гадодир, букун ўксутма гадони,
Лутф ила тараҳҳум яна эҳсони фанимат.

КИМДУРУР

Кимдурур ишқини, жоно, ошкор этмас сенга,
Кимдурур кўздин жигар қонин нисор этмас сенга?

Кимдурур шавқинг аро тарки насиҳат этмаган
Кимдурур носихга душман, ўзни ёр этмас сенга?

Кимдурур фаҳму фаросатда Аёз ўлмак тилар,
Кимдурур доим умиди эътибор этмас сенга?

Кўрса ногаҳ бир хиром этмоқда алвон ишвани,
Кимдурур ишқингда қуллуқ ихтиёр этмас сенга?

Қилса Мажнун нечани ул Лайли кўзгу сафо,
Кимдурур ишқингда кўз, юзни губор этмас сенга?

Кўз демасман ё басират ёки девори мағок,
Кимдурур, э нур, кўзни интизор этмас сенга?

Остонанга бошим қўйдим кўтармак йўқ умид,
Вайсий бечоранг губори ҳеч кор этмас сенга.

ОШИҚОНА КЎЗ ТУТАЙ

Термулуб, қон йиғлаюб мен ошиқона кўз тутай,
Юзи гул, лаъли лаби ул жонажона кўз тутай.

Ўйнатиб келгай самандин, э улус, манъ айла кўз.
Интизорида қолон шўхи замона кўз тутай.

Ғам танаъум эрди доим фурқати дилдор аро,
Васл фонидур букун хурду калома кўз тутай.

Кимса бадгў ёнидин топди кўнгул ҳар дам вафот,
Ҳар сўзидур бир Масих, ширин забона кўз тутай.

Зоҳидо, кўз тутмагимдин келмасун сенга губор;
Сирри ихфоси аниким бегумона кўз тутай.

Сифлаи дундин букун ашким бўлубдур лолагун,
Ҳам ўзи сарроф, ҳам боимтиҳона кўз тутай.

Пайкари бадҳола, равзан зоҳир ўлмиш бешумор,
Жумлаи суроҳдин руҳи равона кўз тутай.

Бошима солса маломат қушлари кошонае,
Ишқида ашқимни айлаб дона-дона кўз тутай.

Соқие, ўлтурса соғар бер, Увайсий илгина,
Чеҳраи майдинки акси меҳрибона кўз тутай.

ЖАФОСИН ЧЕКМАЙИН БЎЛМАС

Жафосин чекмайин бўлмас муяссар сенга жононини
Юракка дарде тегмай, таъсир этмас оху афғонинг.

Кўнгул, сайр айлағил, бетоқат ўлма ҳажр шомина,
Зулумот ичра кирмай топмағайсан оби ҳайвонинг.

Надин дод айламай? — Уммид субҳи шома айланми
Фирибу макр ила васлини афсун этди ҳижронинг.

Қошинг бир ғамзаси то тўқди юз ушшоқ қонини,
Кўзинг майдонида саф-саф тамошо қилди мужгонинг.

Вужудим поймолин хоки роҳидинки манъ этди,
Аё ҳоким, ваган кўйида тутдинг бору армонинг?

Увайсий, ёра кўрсатмай ҳижоб ўлган тааллуқот,
Аларни фарқ этар тўфон ўлуб бу чашми гирёнинг.

ЎЗНИ ИЗҲОР ОФТОБ

Қилди у машриқ саридин ўзни изҳор офтоб,
Не учунким излагай ҳар кўз дийдор офтоб.

Чарх зарқиға қўйиб оғзин ютар ҳар кунда қон,
Шом вақтида шафақ билгурди хунбор офтоб.

Кеча излар, кундуз излар, ваҳки бир дам тинмайин,
Чарх водийсида мажнуни жигархор офтоб.

Бенасибинг деб эдим бир мандуман ҳар рўзу шаб,
Мен каби, жоно, юзинг кўрмаккадур зор офтоб.

Мен начук Мажнун каби расвойи олам ўлмайин,
Чарх уза рухсори моҳингта гирифтор офтоб.

Дўст деб тутдим этогин ул фалак ғаддорни,
Шатта урди, кетди мағриб, топди озор офтоб.

Вайсий, бошинг узра қўй, хуршед талъат ёрни,
Билмадингму зарралар бошинда дастор офтоб.

УВАЙСИЙНИНГ ФУЗУЛИЙГА МУХАММАСИ

Дило, мақруби жонон ўлма, улдур — кори сўзонлиғ,
Қариб аввал, ҳарим ўлмоғлигинг эрмасдур осонлиғ,
Фанойи фақр тупроғида қилғил ўзни пинҳонлиғ,
Кел эй роҳат сонан асбоб жамъин, қилма нодонлиғ,
Тариқи фақр дутким, фақр эмиш оламда султонлиғ,

Қулоқ тут ушбу панда, жону дил бирлаки, сомийсан,
Ҳавоу, орзу, юз минг ҳавасдин балки монийсан,
Бўлиб гаҳ монийбу, гаҳ раъйи нафсдин гарчи қонийсан,
Мурод ар салтанатдин, коми дилдур, нафса тобийсан,
На ҳосил салтанат одила қилмоқ бандафармонлиғ.

Тазаллум бирла қатл этди дин аҳлин кўзлари кофир,
Деб эрдим манъ бўл манзуридин ҳеч бўлмади жоғир,
Умид оби ҳаёт айлаб ки зулмотида бўл собир,.
Паришонлиғдин эй халқи жаҳон сиз жамъ эдинг хотир,
Ким ман жамъ айладим ҳар хонда вордур тирпарронлиғ.

Манга тангри насиб этмоб экандур фаҳм ила дониш,
Фаросат, ҳуш ҳам идрок ила ҳам ақл ила бениш,
Бу ким, кўтоҳлиғ иқболими ҳеч қилмадим андиш,
На толиъдур буким, оламда оғоз этмадим бир иш,
Ким ул ишдан саранжом этмадим охир пушаймонлиғ.

Мани маҳрум этиб, чашмим тар айлар кимса манъ этмаз.
Юроким реш, ашким қонлар айлар кимса манъ этмаз,
Увайсий, сабр қил жаврин ар айлар кимса манъ этмаз.
Манга зулмин сариқ ул кофир айлар кимса манъ этмаз,
Фузулий куфр ўлурму, гар десам йўхдур мусулмонлиғ.

УВАЙСИЙНИНГ ЖОМИЙГА МУХАММАСИ

Қолдим балоя кўнглими бердимки ёшқа,
Чунким, мудом икки кўзим тўлди ёшқа
Ҳусни зуҳурни олдида неҳад куёшқа,
Зулфи хаёли тушкали шўрида бошқа,
Ғам бошқа ўлтурур мани, ҳижрони бошқа.

Булбулни саждагоҳидурур доимо чаман,
Фарз ўлди анга шому саҳар тинмайин суҳан.
Ашқим зиҳор ўлди, бағир қони пераҳан,
Меҳробға ва фарзки ман сажда қилғаман,
Қилғумдурур сужуд ман ул икки қошқа.

Чарлар нигор олдиға келдурғали мани,
Юз сўзни зоҳир айлади кулдурғали мани,
Қаддин тонутти хаттини билдурғали мани,
Кўзу қошинг талошадур ўлдурғали мани,
Ўлтур ўзинггу, қўйма иковни талошқа.

Айди бировга: “мунда келтургил ятимни!”
Бирға дедики: “тош ила ургил ятимни!”
Боз айди бирға: “ҳолини сўргил ятимни!”
Ашкимни қон кўриб, деди: “кўргил ятимни,
Бурни қонади — оғзи етушканда ошқа”.

Жоним, таним, бағир-жигарим тўма ўхшади,
Нодон эли ейишди мани, боз кавшади,
Бир сангдил муҳаббати Вайсийни қуршади,
Жомий бир оҳ чекди, ани кўнгли юмшади,
Оҳим ўтини кўр на асар қилди тошқа.

АНОР

Бу на гумбаздур эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур, макон.
Туйнугин очиб аларнинг ҳолидан олсам хабар,
Юзларида парда тортуғлиқ туралар, бағри қон.



НОДИРА БЕГИМ

(1792—1842)

Нодира бегим ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин юлдузларидан биридир. Шоира XVIII асрнинг охириги чораги (тахминан 1791—99 йиллар)да Андижон ҳокими Раҳмонқулибий оиласида дунёга келган. Шоиранинг асли номи Моҳларойим бўлиб, Нодира бегим унинг адабий тахаллусидир. Нодира бегим ёшлигиданоқ ўзининг гўзаллиги, ўткир зеҳни, нозик табиати, хулқи хушлиги билан элга танилганди.

Марғилон ҳокими Умархон 1807 йилда Нодира бегимга уйланади. Улар қариндош эдилар. Бу даврда Қўқон хонлиги тахтида Умархоннинг акаси Олимхон ўтирарди. Орадан кўп ўтмай Олимхон оламдан ўтади. Қўқон тахтига Умархонни хон этиб кўтардилар. Ўзи ҳам соҳиби қалам, яхшигина шоир бўлган Умархон саройга шоирларни, адибларни, фозил кишиларни жалб этиб, тез-тез мушоиралар ўтказа бошлади. Бу ҳол юрагида шеър иштиёқи тўлиб-тошган Нодира бегимга руҳ ва илҳом берди. Шоира тинмай ўқиди, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб ижодини қунт билан ўрганди. Ўзи ҳам уларга эргашиб шеърлар ёза бошлади. Шоирага бу эзгу ишда умр йўлдоши Амир Умархон устозлик ва раҳнамолик қилди. Умархон билан ўрталарида бўлиб ўтган мушоиралар, адабий мунозаралар,

мубоҳасалар шоиранинг шеъроятга, бадий ижодиётга бўлган иштиёқини янада ривожлантирди, бора-бора юксак поғонага кўтарди. Шоира бир-биридан нафис, оташин ғазаллар, мухаммаслар, рубоийлар ёзди. Ғазаллари оғиздан-оғизга, тиллардан дилларга кўчди, халқ ҳофизлари томонидан жўшиб куйлана бошлади. Шоира эларо Нодирайи даврон бўлиб танилди. Халқ унинг номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олиб, ғазалларини меҳр ва иштиёқ билан ёд оларди. Чунки Нодира бегим халқнинг умид-орзуларини, қувонч ва қайғуларини, ҳижрон оташида ўртанган ошиқларнинг оху зорларини тўлиб-тошиб куйлади, ўзининг латиф ғазаллари орқали уларнинг дардига ҳамдард бўлади. Шоира севги ва садоқатни ёниб тараннум этар экан, муҳаббатнинг моҳиятини чуқур очишга, унга кенг ижтимоий мазмун беришга ҳаракат қилди:

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Ғар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт! — деб

куйлайди шоира ўз ғазалларидан бирида ва муҳаббат инсон туйғуларини гултожи деган хулосага келди. Севгига етишишнинг замирида ошиқ-маъшуқаларнинг ҳурлиги, бахтиёрлиги, ҳаётдан мамнунлиги ётади деган умидбахш ғояни илгари сурди. Муҳаббат фақат севинч эмас, у севишганларни мардлик ва имтиҳонга бошловчи омил эканлигини таъкидлаб ўтди. Шоиранинг эътиқодича муҳаббат фақат туйғу эмас, ҳаётнинг имтиҳон мактабидир:

Кел даҳрни имтиҳон этиб кет,
Сайри чамани жаҳон этиб кет.
Дунё чаманини булбулисан,
Гул шоҳида ошён этиб кет.
Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Кайфиятини баён этиб кет!

Умархон (адабий тахаллуси Амирий) 1822 йилда тўсатдан вафот этди. Нодира тахминан ўттиз ёшларида бева қолди. Шоира ёрини, шеърийат бобидаги устозининг вафотига бағишлаб газаллар, марсиялар битди:

Фигонким гардиши даврон айирди шаҳсуворимдан,
Ғамим кўп, эй кўнгул сен беҳабарсан ҳоли зоримдан.

деб фарёд этди. Фалакнинг кажрафдорлигидан, ўлимнинг бешафқатлигидан нолалар чекди.

Умархоннинг катта ўғли Муҳаммадалихон Қўқон тахтига ўтирди. Табиийки, ўн уч яшар бола катта мамлакатни идора этишга қодир эмас эди. Нодира бегим расман бўлмаса ҳам давлат бошқарув ишларини ўз қўлига олди. Мамлакатда маданий-адабий, ободончилик ишларини ривожлантиришга интилди. Шоиранинг ҳаракати билан Қўқонда мадрасалар, мактаблар, кутубхона, ҳаммом, меҳмонхона, карвонсаройлар, раста, бозорлар, кўприклар қурилди. Мамлакатда адабиёт, санъат, хаттотлик равнақ топди. Шунинг учун зиёлилар, хусусан, халқ орасида Нодира бегимнинг обрў-эътибори ортиб борди: халқ шоирани эъзозлаб “Ойим” “Нодирайи даврон” деб ҳурмат билан тилга оларди. Чунки

Нодира бегим халқдан чиққан истеъдодларни тарбиялашга алоҳида эътибор берарди:

Анингдек келмагай даҳр ичра Ойим,
Анинг кўнгли саховат ичра доим — деб

ёзган эди шоир Нодир.

Ўша замон анъанасига кўра Нодира бегим икки тилда ижод этди. Ўзбекча шеърларини — Нодира, форс-тожикча шеърларини — Макнунна, Комила тахаллуслари билан ёзди. Ўзбекча ғазаллари қанчалик маҳорат ва фасоҳат билан битилган бўлса, форс-тожикча шеърлари ҳам шундай нафосат билан ёзилган. Уларда шоира дунёвий ишқ-муҳаббатни ҳамма нарсадан юқори қўйди. Ватан севгиси шоиранинг Фарғона табиатига бўлган меҳр-ихлоси орқали ифодаланган. Зеро, Ватан севгиси табиатга бўлган меҳр-ихлос билан узвий боғланиб кетгандир.

Нодира бегим жаҳолат ва фитна қурбони бўлди. 1842 йили Фарғонага бостириб кирган Бухоро амири Насруллохон Қўқонни ишғол этди, Қўқон хазинасини талон-тарож қилди. Золим амирнинг фармони билан Нодира бегим унинг ўғиллари, набиралари, келини ва энг яқин кишилари қатл этилди. Ўзбек халқининг асл фарзанди, оташзабон шоира жаллод Насрулло қаршисида тиз чўкмади, ялиниб-ёлвормади, ўлимга тик боқди. Нодира бегимнинг бу жасорати минглаб ўзбек аёлларига ибрат бўлди.

Нодира бегим севги-садоқатни, меҳр-оқибатни васф этди. Юртни обод, элни фаровон бўлишини орзу қилиб яшади ва шу эзгу йўлда тинмай ижод қилди.

БОҶМАДИ АСЛО

Баҳор келди кўзум гулга боқмади асло,
Нединки, гулшан аро гулруҳум эмас пайдо.

Юзимга бўлди юзинг муқтарин, биҳамдиллаҳ,
Очилди меҳру вафо боғида гули раъно.

Сариф юзимда қизил ашкни таровати бор,
Нечукки, соғари заррин аро майи ҳумро.

Лабидин айру менга бода тутма, эй соқий,
Хумор кулфатиға нофеъ ўлмади саҳбо.

Бу жони хастаки, васлингни орзу айлар,
Хаёл туррасидин бошида узун савдо.

Фироқ лашкари тугёнидин маозаллаҳ,
Ки қилди сабру таҳаммул диёрини яғмо.

Юзинг назораси ушшоқларни фирдавси,
Ҳарими дарғаҳинг аҳбоба жаннат-ул-маъво,

Сенинг салосили зулфингга мубталодурман,
Ки бўлди ақлу хирад қушлариға доим бало.

Фалақдин ўтди фиғоним, қуёшга етди уним,
Ҳануз, Нодира, кам бўлмади бу оҳу наво.

ФИДО

Лабинг шаҳди нобиға жоним фидо,
Хиромон қадингга равоним фидо.

Фироқинг висол аҳлидин жон олур,
Висолингга жону жаҳоним фидо.

Белу оғзида қолди ваҳму гумон,
Нетанг ўлса ваҳму гумоним фидо.

Агар филмасал меҳр ила моҳдур,
Қилай сенга, эй меҳрибоним, фидо.

Ики лаъли нобингни ёқутиға,
Ики чашми гавҳарфишоним фидо.

Қадинг сарви нозиға, эй гулбадан,
Тани лоғари нотавоним фидо.

Не ғамдур менга ишқ аро Нодира,
Агар бўлса жононға жоним фидо.

ЛУТФИ ГУФТОРИ АЖАБ

Ғунчадек оғзи аро ул лутфи гуфтори ажаб,
Сунъ илги йўқдин изҳор айлаган бори ажаб.

Олди кўнгул қушларин ҳар лаҳза мушкин турраси,
Боли шоҳиндурки, сайд айларда таррори ажаб.

Баски Мажнундир анинг ҳусниға гулшан гуллари,
Ғунчалардиндур чаман бўйнида тумори ажаб,

Айлади ошuftа таъимни паришон турраси,
Қилди бахтимни қаро холи ситамкори ажаб.

Кўзидин озурдадурмен, қошидин озурдароқ,
Зор аҳволимға озор узра озори ажаб.

Ҳар қачон ким ноз этиб чиқса майи гулфом ичиб,
Қон тўкар майдек дамо-дам чашми хуммори ажаб.

Ёр васли бирла одат айлаб эрдим, Нодира,
Андин айру менга бир дам сабр изҳори ажаб.

ШИТОБ АЙЛАБ

Ғазаб бирла нигорим ўтди ёнимдин шитоб айлаб,
Юзин кўргунча ўлдурди мени ҳажри азоб айлаб.

Пари янглиғ назардин чеҳра пинҳон этди ул маҳваш,
Фироқу ҳажр жомидин мени масту хароб айлаб.

Кўнгул шодоб эрди журъаи жоми висолидин,
Солиб ҳижрон ўтиға кетти бағримни кабоб айлаб.

Мурувват айла жоно, сендин айру тийрадир шомим,
Ёрут кулбамни бир тун оразингни офтоб айлаб.

Ичармен май дамо-дам ёр лаълини хуморидин,
Мени майхонадин манъ этма зоҳид ихтисоб айлаб.

Ҳисоб этмоққа чарх анжумларин бор эҳтимол анда,
Менинг доғи дилимни лек бўлмайдур ҳисоб айлаб.

Лабиндин айру қон ютмоқ ишимдур борғил, эй соқий,
Менга беҳуда кулфат берма таклифи шароб айлаб.

Дариго, кетти охир гавҳари мақсуд илгимдин,
Тоғиб эрдим сени маҳбублардин интихоб айлаб.

Вафо сарлавҳи узра Нодира мавзун каломини
Ёзар, таҳсини шеъри хусрави олий жаноб айлаб.

ХАНДОН КЎРУБ

Ёр лаълин ёд этармен гунчаи хандон кўруб,
Сабзай хат соғинурмен боғ аро райҳон кўруб.

Сабзай хат лаъл нобинг узра маъво айлади,
Хизр қилғондек ватан сарчашмай ҳайвон кўруб.

Дард жонкоҳу дамо-дам оҳ, аҳволим табоҳ,
Раҳми келгайму менга бу ҳол ила султон кўруб.

Соврулурман ҳажр водийси аро, Мажнун мени
Гирдбод айлар гумон, дашт узра саргардон кўруб.

Кеча лаъли ҳажридин ўлмоқ менга душвор эди,
Юз таҳайюр бирла илгин тишлади жонон кўруб.

Рашқдин юз фитна барпо айлади даври фалак
Кўзларим ойинасин ёр олида ҳайрон кўруб.

Тонг эмасдур бўлса оз муддатда устоиди суҳан,
Нодира ашъориға таҳсин этар, Салмон кўруб.

БЕХАБАР ЁРИМҒА АЙТ

Эй сабо, рози дилимни беҳабар ёримға айт,
Дардлиғ кўнглумнинг аҳволини дилдоримға айт.

Ҳажр дардидин юракда қолди доғ устида доғ,
Шарҳ этиб бу можарони лола рухсоримға айт.

Фурқат ичра тушти савдойи Зулайҳо бошима,
Қиммати Юсуф баҳо топти харидоримға айт.

Лутф этиб сўрса мени ҳолимдин ул номехрибон,
Ўлди ҳижронингда деб ёри вафодоримға айт.

Сендин айру талхиком этди дебон заҳри фиरोқ,
Ёшурун дардимни ул лаъли шакарборимға айт.

Юз салом айдим, на бўлғай бир йўли ул ҳам деса,
Бул саломимни ўшал ошуфтаи зоримға айт.

Нодира, сенсиз тирикликдин на роҳат кўрди деб,
Ул ҳумоюн толибу фархунда атворимға айт.

ВАФО РАСМИНИ ТУТ

Келгил, эй ёр, вафо расмини тут,
Шамъи рухсор ила кулбамни ёрут.

Ёр лаъли лабидин айридинг,
Эй кўнгул, эмди дамо-дам қон ют.

Кўзларим йиғлади зулфингни кўруб,
Ки ёгин боисидур тийра булут.

Қил фаромуш бу олам ғамини,
Бода ич, май била кўнглунгни овут.

Кишига ҳиммати мардона керак,
Йўққи, оройиш ила решу бурут.

Хуни дил бирла жигар порасидин,
Бодадур лаъли муфарриҳ ёкут.

Нодира, даъвийи ишқингни қилиб,
Қавли бу маҳкамада топти субут.

ФИКРИ БАҲОР ЭТ

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,
Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт.

Муҳаббатсиз киши одамда эмасдур,
Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт.

Узору қадду рафторингни кўрсат,
Чаман сарву гулини шармсор эт.

Лаби махмуридурмен жоми май тут,
Карам қил, соқие, дафъи хумор эт.

Аналҳақ можаросин айладинг фош,
Кел эй Мансур, истиқболи дор эт.

Дури ашқу ақиқи хуни дилни,
Келур ёринг аёғига нисор эт.

Куйиб, эй Нодира, олам элига,
Муҳаббат шевасини ошқор эт.

ШУКР АЙЛА ХУДОГА

Фарҳод агар урса менга лофи муҳаббат,
Бир оҳ ила айларман ани доғи хижолат,

Ҳарчандки бемори гами ишқ эди Мажнун,
Дардимни кўриб тишлади ангушти намодат.

Фарҳодда бўлсайди менинг ғайрати ишқим,
Бир оҳ ила айлар эди ул тоғни ғорат.

Мажнунда агар бўлса эди сабру таҳаммул,
Қилмасму эди мен каби шаҳр ичра иқомат.

Гар бўлса Зулайҳода менинг заррача ишқим,
Қолмас эди Юсуфни фироқида саломат.

Ишқ офатиға тоғ таҳаммул қила олмас,
Мен менки қилурман бу ғаму дардга тоқат.

Дарду аламу ғуссаки ҳажрида чекарман,
Бу меҳнату ғам кимдадур, эй аҳли муҳаббат.

Юздин бири Мажнунда агар бўлса ғамимни,
Бир оҳ ила оламға солур шўри қиёмат.

Ҳар ҳолда, эй Нодира, шукр айла худога,
Ким берди сенга ишқу муҳаббат ила давлат.

ИМТИҲОН ЭТИБ КЕТ

Кел даҳрни имтиҳон этиб кет,
Сайри чамани жаҳон этиб кет.

Бедардларинг жафоларидин,
Фарёд чекиб фиғон этиб кет.

Дунё чаманини булбулисен,
Гул шоҳида ошён этиб кет.

Эй ашк, кўзимни мактабидин,
Ҳайрат сабоқин равон этиб кет.

Олам чаманики бевафодур,
Бир оҳ била хазон этиб кет.

Ушшоқ мақоми бўстондур,
Азми раҳи бўстон этиб кет.

Мақсад на эди жаҳона келдинг?
Кайфиятини баён этиб кет.

Фош этма улусқа ишқ сиррин,
Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.

Кел ишқ йўлида кўзларингни,
Эй Нодира, дурфишон этиб кет.

ОСОРИ МУҲАББАТ

Ҳар кимда агар бор эса осори муҳаббат,
Айлар анга маҳбублар изҳори муҳаббат.

Майхонаи ишқ ичра хуш ул риндки, тунлар
Бир журъа учун бор эса бедори муҳаббат.

Хушдур киши дунё ғамини қилса фаромуш,
Ложуръа чекиб соғари саршори муҳаббат.

Тут гайрдин эй хаста кўнгул доғини пинҳон,
Гар сўрса биров айлағил инкори муҳаббат.

Роҳат тиласанг ишқ биносини паноҳ эт,
Осуда эрур сояи девори муҳаббат.

Болини уза борди иёдатға Масиҳо,
Хуршид эди чарҳда бемори муҳаббат.

Гар таънаи агёрдин, эй дил, ҳазар этсанг,
Олам элиға бўлмағил иқрори муҳаббат.

Тасбиҳи риёи била мағрур эди зоҳид,
Тавфиқ топиб боғлади зуннори муҳаббат.

Эй Нодира, зухд аҳлини майхонала кўрсанг,
Дам урмаки, фош ўлмасин асрори муҳаббат.

МАХМУРДУРМЕН ЖОМ ТУТ

Соқиё, махмурдурмен жом тут,
Бир нафас тарки ғами айём тут.

Доми ғамдин истабон озодлиғ,
Соғари май субҳдин то шом тут.

Бода нўш эт, қилма беоромлиғ.
Айш ваҳшидур, замоне ром тут.

Эй пари пайкар, кўзимни манзари,
Хуш нишимандур дами ором тут.

Эмдиким, ошиқ бўлибсен, эй кўнгул,
Васлин истаб тарки нангу ном тут.

Гар кўнгул сайди сенга мақсуд эса,
Ҳалқа-ҳалқа сунбулини дом тут.

Васл жоми то сенинг илгингдадур,
Ўзни ё Жамшид, ё Баҳром тут.

Соф май гар нўш этарсен дурдини,
Базли жоми ринди дурд ошом тут.

Васл аро ком истасанг, эй Нодира
Эмди ўзни неча кун ноком тут.

ҲАДИС

Дамики лабларидин зоҳир этса ёр ҳадис,
Улусни хотирини айлагай шикор ҳадис.

Лабинг ҳадисини жон лавҳина савод этгим,
Кўзим қароси каби бўлди мушкбор ҳадис.

Гуҳар ўзини садаф ичра айлади пинҳон,
Чу зоҳир айлади ул лаъли обдор ҳадис.

Бирини лабингни ҳадисидек обдор эмас,
Кўнгул саҳифасини ёзмишам ҳазор ҳадис.

Калом чоғида ҳар сўзки зоҳир этди лабинг,
Садаф гуҳарларини қилди шармсор ҳадис.

Такаллум этди мулоқот лаъли нобинг ила,
Фасоҳат аҳли аро топди эътибор ҳадис.

Лабингдин айра тушиб, Нодира, китобат ила,
Қаро либос кийиб қолди сўгвор ҳадис.

АФҒОН ЭТМАСАМ БЎЛМАС

Таҳаммул ҳаддин ошги эмди афғон этмасам бўлмас,
Улусни хотирижамъин паришон этмасам бўлмас.

Гирибон чок, бағрим порадура, бошимда юз савдо,
Бу ҳолат бирла азми кўйи жонон этмасам бўлмас.

Муҳаббат кўйида ночордура ошиққа ҳайронлиғ,
Таҳайюра кул қилиб ойна сомон этмасам бўлмас.

Кўнгуллар каъбасин бир-бир зиёрат айладим эмди,
Тавофи Маккау тахти Сулаймон этмасам бўлмас.

Фараз ийду висолингдур кўнгулға, эй ҳилол абру,
Юзингни ойиға жонимни қурбон этмасам бўлмас.

Бу оқшом солди зулмат олами ҳижрон қаро шоми,
Қилиб ёдингни ашкимдин чароғон этмасам бўлмас.

Мени ошиқ дебон тийри маломат ёғди бошимга,
Улусдин Нодира дардимни пинҳон этмасам бўлмас.

ЖАФО АЙЛАМАС

Ёр менго ғайри жафо айламас,
Ваъда қилиб, анго вафо айламас.

Шум рақиб ки адоват қилур,
Кофир эрур ёди худо айламас.

Мужибни ҳайронлиғ эрур жилваси.
Ойнадин шарму ҳаё айламас.

Зоҳид иши макр ила тазвирдур,
Тоати бе рўйи риё айламас.

Кўзларидур соҳир, ўшал қоши ё,
Новакий мижгонни хато айламас.

Қайси чаман булбулидур ким анинг
Гулшани ишқида наво айламас.

Нодира ул ёрни васлин тилаб,
Субҳу масо тарки дуо айламас.

ЭҲТИЁЖ

Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж,
Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж,

Ҳеч ким оламда фаригбол эмас,
Ҳар ким ўз миқдорича бор эҳтиёж.

Ганжи ҳуснингни закотин бер менга,
Сен ғанийсан, менда бисёр эҳтиёж.

Кўзларим айлар юзингни орзу,
Ким эрур кўзгуя дийдор эҳтиёж.

Мустаманд этти мени муҳтожлик,
Қилди ҳожатмандинг, э ёр, эҳтиёж.

Гар тиларсен обрў аҳбоб аро,
Айлама зинҳор изҳор эҳтиёж.

Қил раво албатта ошиқ ҳожатин
Боқмағил арз этса ағёр эҳтиёж.

Бир тараҳҳум зоҳир этсанг нетгуси,
Қилди ҳуснингга мени зор эҳтиёж.

Ёр васлини тиларман, Нодира,
Айлади кўнглимни афгор эҳтиёж.

ЁР УЧУН ЖАҲОНДИН КЕЧ

Эй кўнгул, ёр учун жаҳондин кеч,
Ҳавас боғу бўстондин кеч.

Анга ўзлук била етиб бўлмас,
Истасанг ёр васли жондин кеч.

Олам аҳлида чун вафо йўқтур,
Бир йўли яхши-ю, ёмондин кеч.

Бўлгил анқои қофи истиғно,
Эй хумо, мушти устихондин кеч.

Бўлдинг эй жон, асири шаҳри фано,
Ким деди мулки жовидондин кеч.

Кеч дединг ёру ошинолардин,
Менга лекин дема фалондин кеч.

Нодира шўри ашки дарёдур
Ушбу дарёи бекарондин кеч.

ШАҲСУВОРИМ ЯХШИ БОР

Айладинг азми сафар, эй шаҳсуворим, яхши бор,
Эмди сенсиз йўқ мени сабру қарорим, яхши бор.

Вақти рихлат етди оҳанги сафар соз айладинг,
Ёрим эрдинг васл айёмида, ёрим, яхши бор.

Равшан эрди маҳфили имкон жамолинг жамъидин,
Яхшилар султони эрдинг, шаҳриёрим, яхши бор.

Етмайин осибӣ ҳижрон чархи нофаржомдин,
Кўҳи ғам остида қолдим, ғамгусорим, яхши бор.

Сен қилиб азми сафар мен қолмишам ҳасрат била,
Гарчи ҳажрингда хазон бўлди баҳорим, яхши бор.

Турфа мушкилдур видоъ этмоқ санингдек ёр ила,
Кўкка етди нолаи беихтиёрим, яхши бор.

Заъфарондек саргайиб ҳажрингда нолон қолмишам,
Сенсан, э хуршид талъат, гул узорим яхши бор.

Нодира муштоқдур зинҳор келгайсан яна,
Мунтазирдур йўлга чашми интизорим, яхши бор.

ЁРНИНГ ВАСЛИ ЭМАС ОЗОРСИЗ

Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

Ҳар кишини бир муносиб ёри бор,
Мен ўшал оворадурман ёрсиз.

Ул париваш васлидин бўлдим жудо,
Роҳати дил қолмади дилдорсиз.

Ёр учун ағёр дардин тортамең,
Кўрмадим бир ёрни ағёрсиз.

Тан бузулди эмди роҳат қолмади,
Соя пайдо бўлмағай деворсиз.

Оразин кўр, бўлма зулфидин маълул,
Бу жаҳонда гавж йўқдур морсиз.

Берма нисбат қаддига, эй боғбон,
Сарвдур бу боғ аро рафторсиз.

Ор қилмас таънаи ағёрдин,
Ошиқи содиқни дерлар орсиз.

Нодира аҳволидин огоҳ ўлунг,
Эй мусоҳибларки қолмиш ёрсиз.

ЭЙ САРВИ РАВОН

Эй сарви равон надур хаёлинг,
Жон ўртади ваъдаи висолинг.

Пайваста дуойи хайр этармен,
Мақсудим эрур сени камолинг.

Ул ойни юзига баҳс этарсен,
Етмиш магар эй қуёш заволинг.

Зухд ақлига салсабилу кавсар,
Басдур менга рашҳаи зулолинг.

Чиқмасди ҳануз хату саволинг,
Мусҳафда муборак эрди фолинг,

Жамшидни жомидин зиёда,
Эй ринди гадо синук сафолинг.

Ушшоқларинг гамингда ўлди,
Йўқдур сени зарраи малолинг.

Эй хаста кўнгул, фироқ ичинда,
Дам ургали қолмади мажолинг.

Эй Нодира, лофи ишқ урарсен,
Машҳури халойиқ ўлди ҳолинг.

ЖОНОНИМНИ СОҒИНДИМ

Қолиб фурқат диёри ичра жононимни соғиндим,
Чароғи рўзгорим муниси жонимни соғиндим.

Гулистондур висоли маҳфили, мен андалиб — анда,
Гули айшим хазон ўлди гулистонимни соғиндим.

Кўруб кўнглумда юз озор, эй бедард, таън этма,
Мурувват кўргузиб раҳм этки, султонимни соғиндим,

Чаманда жилва қилди, сарву гул ҳам сабза бош чекди,
Қади сарву, юзи гул, хатти райҳонимни соғиндим.

Ҳавойи ишқ саргардониман, орому сабрим йўқ,
Паришон заррадек хуршиди тобонимни соғиндим.

Кўзимдин ёш тўкиб, гирён бўлиб, қон йиғламай найлай,
Ки ҳангоми такаллум лаъли хандонимни соғиндим.

Менга даври фалақдин бўлмади бир лаҳза осойиш,
Паришон ҳолман султони давронимни соғиндим.

Арабдан то Ажам машҳур эди ул шоҳлар шоҳи,
Скандар салтанатлиғ шоҳи Туронимни соғиндим.

Қизил қондур кўзим ёши сабо еткур саломимни,
Гули садбарг янглиғ пок домонимни соғиндим.

Тикарман Нодира ғам йўлида коза Зулайҳодек,
Ким ул Юсуфлиқо султон Умархонимни соғиндим.

САРВИНИ ЁД АЙЛАДИМ

Менки қадинг сарвини ёд айладим,
Оҳни саркўби шамшод айладим.

Оҳ чектим, нола тўфон айлади,
Чарх бунёдини барбод айладим.

Қайдасен кўрсам жамолингни санам,
Эй пари пайкар сени ёд айладим.

Ишқ домиға гирифтор айлабон,
Жонға бедод узра бедод айладим.

Итларинг хайли аро тун то саҳар,
Нола қилдим, оху фарёд айладим.

Урди зулфунг ҳалқаси бўйнимда печ,
То хаёли доми сайёд айладим.

Айлабон мавзун қадингни бандаси,
Сарвини боғ ичра озод айладим.

Нуна ўхшатдим қошинг тасвирини
Наргисинг бодомини сод айладим.

Бесутундур ишқ тоғи Нодира
Ўзни жон чекмакда Фарҳод айладим.

ТУШУМДА КЎРСАМ ЭДИМ

Нигори гулбаданимни тушумда кўрсам эдим,
Лаби шакаршиканимни тушумда кўрсам эдим.

Кўз очмайин ғамида рўзгорим ўтқучидур,
Ки ёри сиймтаннимни тушумда кўрсам эдим.

Чу даври роҳатим ўтти зиҳи саодат эди,
Муроди жону таннимни тушумда кўрсам эдим.

Ғамида шона каби чок-чокдур кўнглум,
Ки кокули Хўтаннимни тушумда кўрсам эдим.

Юзи гулу қади шамшод, кўзлари наргис,
Баҳору ёсуманнимни тушумда кўрсам эди.

Жафои ҳажр била кўксуми нигор қилай,
Нигоҳи сеҳр фаннимни тушумда кўрсам эдим.

Лабимға келди анинг васлини тилаб жоним,
Бало ўти фиганнимни тушумда кўрсам эдим.

Ҳамиша булбули табъим фиғону зор этар,
Ки орази чаманнимни тушумда кўрсам эдим.

Фироқи Нодира кўнглумға доғлар қўйди,
Амири сафшиканимни тушумда кўрсам эдим.

ФИҒОНКИМ ГАРДИШИ ДАВРОН

Фиғонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин,
Ғамим кўп, эй кўнгул, сен беҳабарсен ҳоли зоримдин,

Ғуборим ишқ водийсида барбод ўлди, андоғким,
Биёбонларда Мажнун тўтиё издар ғуборимдин.

Қизил қондур сиришким, заъфарондур чехраи зардим,
Мени ким кўрса фарқ этмас, хазон бирла баҳоримдин.

Бузулди рўзгорим, хонаи айшим хароб ўлди,
На роҳат кўргаймен эмди бузулгон рўзгоримдин.

Биёбонларни излаб топмадим ёрим сўроғини,
Берурман жон, сабо ногаҳ хабар келтурса ёримдин.

Диёрим аҳли мендин ёрсиз бегона бўлмишлар,
Ки мен ҳам ёрсиз озурдамен ёру диёримдин.

Ғаҳи йиртиб яқо, ғаҳ қон ютуб, гоҳи фиғон эттим,
Нелар ўтди бу ахшом Нодира жони фиғоримдин.

ЭЙ ЛАБИНГ ЖОНУ КАЛОМИ

Эй лабинг жону каломи жонфизо руҳи равон,
Ошқорау ниҳондур суратинг жон узра жон.

Кокули шабрангдин қилди чаманлар ошқор,
Наргиси бадмастдин қилдинг хумстонлар аён.

Чарх узра сонма кавкабким чароғон тунлари,
Дуди оҳим шуъласи учқунларидиндур нишон.

Поралар бўлди хаёлинг нуридин жон пардаси,
Моҳи тобон шуъласидин ўйла ким бир қаҳқашон.

Соқиде махмурман чарх этти нокому залил,
Айлағил бир соғари май бирла шоду комрон.

Сен қуёш мен сояи помол ҳасрат тунида,
Партави алтоф ила берғил қудуратдин амон.

ЭЙ ЖОН ҚАЙДАСАН?

Ғам ҳалок этти мени ҳажрингда, эй жон, қайдасан?
Сенсизин бемормен дардимга дармон қайдасан?

Васл аро султон эдим эмди жудолик дардидин,
Хаста мўри нотавондурман Сулаймон қайдасан?

Муддате васлинг гулистонида эрдим андалиб,
Навбаҳор ўтти хазон бўлди гулистон, қайдасан?

Ҳажр яғмоси қўнгулни мулкини қилди хароб.
Сендин айру ўртади Фарғона султон, қайдасан?

Меҳри рухсорингдин айру субҳи айшим бесафо,
Тийрадур шоми ғамим, э моҳи тобон, қайдасан?

Давр эли осудахотир эрди сендин войким,
Топди даврон инқилоб, э шоҳи даврон, қайдасан?

Нодира Фарғона мулкида сени айлар сўроғ,
Мулки Турон Хусрави сайид Умархон қайдасан?

САБЗУ ХУРРАМ БЎЛМАСУН

Сенсизин олам баҳори сабзу хуррам бўлмасун,
Қайси олам балки олам ичра одам бўлмасун.

Булбула гулзорсиз эрмас таманнойи наво,
Фурсати чангу наво бир лаҳза бирдам бўлмасун.

Даври лутфи раъяти иқбол сендин ўзгаға
Гардиши даврон аро бўйла мусаллам бўлмасун.

Сендин олди гардани таслими сарафрозлиқ,
Ўзгаларға гардани таслимимиз ҳам бўлмасун.

Нодира то сарвдур сарсабз бу гулзор аро,
Бошимиздин наҳли қаддинг сояси кам бўлмасун.

ОРЗУ

Булбули дил гунчаи гулзоринг айлар орзу,
Тўтии жон лаъли шаккарборинг айлар орзу.

Ким қилур умид қон ютмай лабингни шарбатин,
Ўлмайин ким наргиси беморинг айлар орзу.

Лол бўлмай ким такалум айлади кўргач сени,
Хок бўлмай ким сени рафторинг айлар орзу.

Боқмағай кавсар лабида ҳурнинг рухсориға,
Ким лаби лаъли маҳи рухсоринг айлар орзу.

Тўкмайин ким ашк топмас лаъли серобинг сени,
Ютмайин қон ким руҳи гулноринг айлар орзу.

Чехра ўлди заъфарони иштиёқи бодадин,
Соқие кўнглум майи гулноринг айлар орзу.

Фохта шамшод излар гул висоли андалиб,
Нодира мискин қаду рухсоринг айлар орзу.

БАЛОЛАРДИН БИРИ

Ҳажр эди ишқ ичра мен кўрган балолардин бири,
Дард водисида мен чеккан жафолардин бири.

Раҳм эдуб ҳолимни сўрмазлар кўринг бедодлиғ,
Сиймбалардин бири, мавзун қаболардин бири.

Чекмаюб ғам чекти Ширин сувратин Фарҳод лек,
Ишқ ойинида дерлар беҳаёлардин бири.

Қошу кўзу зулфу хол ила мадоро айласанг,
Айламаз расво сени юзи қаролардин бири.

Аҳли табъ ҳар ким ўланмоз аҳли дилдин сўрмаким,
Қуш нажодидин баланд учмиш юволардин бири.(?)

Истарам ёраб бақойи давлати султон Умар,
Айла мақбули ижобат сен дуолардин бири.

Ишқ даввосини қилдим норасо журъат била,
Эй расолар зумраси мен норасолардин бири.

Нодира тинмай дуо қилким, бу кун султонисен,
Подшоҳи асрдурсан ул гадолардин бири.

КЕЛМАДИ

Ваҳ не воқеъ бўлди бориб шаҳсуворим келмади,
Барча яхшилар сафардин келди, ёрим келмади.

Субҳи васлидин мунаввар эрди моҳи талъатим,
Шоми ғам юзланди шамъи рўзгорим келмади.

Мен қачон ёд этмадим васлингни ким жон ўртаниб,
Кўз йўлидин юзга ашки шашқаторим келмади.

Наҳли уммидим гул очмай қолди юз афсуским,
Бўлди наврўзи жаҳону навбаҳорим келмади.

Бордию оламни куйдирди фироқи оташи,
Шаҳр ўртанди ғамидин шаҳриёрим келмади.

Эмди ўз ҳолимға йиғларман дамо-дам Нодира,
Кетти оламдин амири номдорим келмади.

ҚОЛМАДИ

Шоми фурқат ёрсиз мен ютмаган қон қолмади,
Раҳм қилким эмди қон ютмоққа имкон қолмади.

Жонға еттим дамба-дам хунобаи ҳасрат ютуб,
Ваҳки жонон шавқидин жисмим аро жон қолмади.

Ёна-ёна қолмади жон бирла кўнгул доғсиз,
Тома-тома кўзда ашки чашми гирён қолмади.

Зулфин истаб риштаи жонимға тушти тоблар,
Кетги тоқат даври эмди тоби ҳижрон қолмади.

Хотиримдин кетмасун дилдор доғи ҳасрати,
Кетса-кетсун гар нишоту айш сомон қолмади.

Бир нафас беҳуш қилғил менга соқий май тутуб,
Ким хаёл айларға эмди жонима жон қолмади.

Қадди мавзуни била гулгун юзин ёди била
Орзуи тубию ёди гулистон қолмади.

Соқие тутқил ғанимат соғари ишрат билан,
Ким неча давр ўттию бир неча даврон қолмади.

Нодира кўнглумни равшан қилди ёди орази,
Ким менга андишаи хуршиди тобон қолмади.

САБО ЕТКУР САЛОМИМНИ

Гўзал ёримға, эй боди сабо, еткур саломимни,
Ким элтар сендин ўзга, ёр кўйига паёмимни?!

Кўнгул дардини тақририға қилу қол эмас ҳожат,
Тафаккур бирла равшан айла мазмуни каломимни.

Кўнгул комини ширин истадим, жоми висолидин,
Фигонким, чарх ҳижрон захридин талх этди комимни.

Қоронғу бўлди олам дуди оҳимнинг саводидин,
Ки фарқ этмас мунажжим, рўзи равшан бирла шомимни.

Вафо шаҳбозидурман, гар мен сайд этмак истарсан,
Муҳаббат риштасидин қилғосен, зинҳор, домимни.

Фалақдин гар шикоят ошкор этсам, тонг эрмаским,
Ғами ҳижрона табдил айлади айши мудомимни.

Карам қилдинг, сабо, ул ёр кўйидин хабар бердинг,
Гулу райҳон исидин бениёз этдинг машомимни.

Муриди ишқи оламсўзман ушшоқ базмида,
Навойи нолайи найдек, баланд этди мақомимни.

Адам иқлимида шоҳим мусофирдур, худовандо,
Манга еткур саломат шаҳрери неқномимни!

Чаманда гул тамошо айлабон сарви равон кўрсам,
Қилурман ёди султони Скандар иҳтишомимни.

Қоронғудур кўзимга ҳажр шоми, тийрадур айшим,
Фалак туфроға пинҳон айлади моҳи тамомимни.

Ғараз ҳимматларимдин ёр васли иқтисосидур,
Тиларман васлини ёраб, зиёд эт иҳтимоимни.

Саёдат хонадони, шоҳи Бобур насли покиман,
Худоё, раҳмат айла, барча аждоди изомимни.

Жавоби шоҳ байти Нодири ул нодири даврон,
Тегиб санги ажал, синдурди мийно бирла жомимни.

СИРИШКИМ ТУТТИ ДУНЁНИ

Юзунг ҳажрида тўфондур сиришким тутти дунёни,
Ажаб эрмас анинг бир қатраси фарқ этса дарёни.

Муҳаббат аҳлига ҳожат эмастур даҳр ғавғоси,
Кел эй шўри жунун, дур айла бошимдин бу ғавғони,

Кўролмай ёрни бўлмиш жунуним эл тамошоси,
Агар кўрсам жамолин энди кўргайсан тамошони,

Етолмай гулузорим васлига ишқ ичра расвоман,
Мадад қил бахт кўйи сориға бошқар бу расвони.

Ул ой ҳижронида оҳим банотиннашдек ҳар ён,
Паришон этти кайвон боргоҳида сурайёни.

Оқорғон кўзларимдин бўлди ул Юсуфлиқо пинҳон,
Эрур кўнглум уйи Яъқуби Канъон байтулаҳзони.

Кўнгул бир офтоб ишқида ҳайрондурки тонг эрмас,
Лаби шавқи фалақдин ерга индурса Масиҳони.

Киши кўрган эмасдур ишқ даъвосида осойиш,
Агар роҳат тиларсан зоҳидо тарк эт бу даъвони.

Юзинг ўлсун қаро ким, эй фалак, зулм айладинг беҳад.
Айирдинг ёрдин бу Нодира Мажнуни шайдони.

АЙЛАНАЙ

Мунтазирдурман қачонким келса жонон айланай,
Бошидин юз йўл тасаддуқ айлабон жон айланай.

Бошидин айланмадим деб кўпдур армоним мени,
Келса ёрим қолмасун кўнгулда армон айланай.

Лаҳзаи холий эмас кўнглум хаёлинг хайлидин,
Иштиёқингдур кўнгул тахтида султон айланай.

Меҳри рухсорингни соғиндим қарорим қолмади
Заррадек бошингдин, э хуршиди тобон, айланай.

Айларам ийди висолингни дамо-дам орзу,
Эй юзинг байрам ойн, жон сенга қурбон айланай.

Гирдибоди домани дашти жунундур пайкарим,
Жустижў айлаб сени кўху биёбон айланай.

Шомлар фикру хаёл ичра сени айлаб сўроғ,
Субҳидам боди сабо янглиғ гулистон айланай.

Кел хиром айлаб қадам қўйғил кўзум гулзорина,
Қадду рафториндин, э сарви хиромон, айланай.

Мугтанам эрди висолинг қайдасан, э шаҳсувор,
Сендин айру Нодира ғам бирла ҳайрон айланай.

ЁРДИН АЙРУ

Қондур жигарим ғусса билан ёрдин айру,
Ошуфта ман ул ёри вафодордин айру.

Еш ўрнига қонлар тўкилур дийдаларимдин,
То тушти кўзум ул гули рухсордин айру.

Ҳайрон кўзум эй моҳ, жамолингни тилайдур,
Ойинани йўқ матлаби дийдордин айру.

Бир гўшада танҳолиғ ила ёдинг этарман,
Йўқ ҳамнафасим дийдаи хунбордин айру.

Ҳажрингда на роҳат кўрадурман на ҳаловат,
Йўқдур мени дилхастага озордин айру.

Эй жон, менга ҳажрингда жаҳон бўлду қоронғу,
Бўлгон каби кўз гавҳари шаҳвордин айру.

Ғар сарв ила товус хиром этса кўзумга,
Манзур эмас ул қомату рафтордин айру.

Кўнгли они ғам илгида қолғайму саломат,
Ғар бўлса киши сен каби ғамхордин айру...

Мендин на раво эрдик, ёр этти жудолиғ,
Гулни киши кўрганму экан хордин айру.

Фарёду фиғон савтини сенсиз эшитурмен,
Қошонадин айру дару девордин айру.

Ўт ёқди фироқинг шарари элга ва лекин,
Э Нодира, куймас дили афгордин айру.

ШИТОБИНГГА ЎЛАЙ

Жон олурда эй санам, қилғон шитобингга ўлай,
Гоҳ нозингга берай жон, гаҳ итобингга ўлай.

Ҳар киши ўлса юзинг меҳрида лаълинг тиргузур,
Чун масиҳинг зинда айлар офтобингга ўлай.

Тиргузур беморларни шарбати лаъли лабинг,
Соқие махмурман завқи шаробингга ўлай.

Жон бағишларда лабинг нозингга жон айлай фидо,
Қатлим айлар чоғда қилғон изтиробингга ўлай.

Лаълинг олида кўнгул сўрганда ҳолингдин савол,
Нозу истиғно била берган жавобингга ўлай.

Толпиниб ўлгон каби сайёдин домида қуш,
Кўйки бир дам чирмашиб банди ниқобингга ўлай.

Остонинг қиблаи мақсуди ҳосу ом эрур,
Нодира бошимни фарш айлаб жанобингга ўлай.

НАВОИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Сўроғингда биёбонлар кезиб бе поу сар юрдум,
Кўюндек чарх уруб жисмим ғуборим кўкка совурдум,
Сен азм айлаб кетарга, мен бўлуб бемор қайғурдум,
Кўнгул жон бирла бўлди ҳамраҳинг, мен дард ила турдум,
Сенга жон бирла кўнглумни, сени тангрига топшурдум.

Видоингни қилурда куйди жоним хайрбодидин,
Фалак саҳфи қорарди дуди оҳимнинг мидодидин,
Жаҳон зулмат саройи дуди оҳим имтидодидин,
Нишондур тийра бўлгон ахтари бахтим саводидин,
Туганларким фироқинг ўтидин ғам шоми куйдурдум.

Қошинг ёси тамонносидадур пайваста қаддим ҳам,
Юрак захмиға марҳам истаб этмасман тараддуд ҳам,
Кўнгул новакларингни захмидин роҳат топар ҳар дам,
Ёғоч бирла бошоқ ким танда қолди ул эрур марҳам,
Жунундин ким фироқинг ўқларин жисмимда сундурдум

Гирибон чок эрурман субҳи васлинг интизоридин,
Қоронғу бўлди шомим дуди оҳимни губоридин,
Шарорлиқ шўълалар бош чекти кўксим хор-хоридин,
Тутатшти шамъдек, ҳар бармоғим ҳижрон шароридин,
Илик марҳам кўяй деб чун бағр чокиға еткурдум.

Кўруб ул бутни зуннор олмағайсиз, эй мусулмонлар,
Менингдек юз балоға қолмағайсиз, эй мусулмонлар,
Саломат кўнжидин кўзғолмағайсиз, эй мусулмонлар,
Чу ул кофир чиқар кўз солмағайсиз, эй мусулмонлар,
Ки мен бечора кўнглумни боқиб ўткунча олдурдум.

Мени лол этти гуфтори лаби хомуши гўёси,
Ушатти қанду шаккар неъматин лаъли шакархоси,
На дилкаш ҳусн эрур кўрган сари ортар таманноси,
Юзин кўргач бошимға тушти мушкин зулф савдоси,
Фигонким бир боқишда юз бало бошимға келтурдум.

Сени топмоқ бaсе мушкил кўрунди жустижў бирла,
Фироқинг дардиға таскин тиларман гуфтигў бирла,
Гаҳи паймона бирла шуғл этиб, гоҳи сабу бирла,
Кўнгул тинмасқа қолмиш эрди ҳар нав орзу бирла,
Ризо кўйиға то кўйдум қадам кўнглумни гиндурдум.

Зарар қилмас муҳаббат аҳлиға агёрни таъни,
Эрур бадхоҳларнинг гуфтигўйи барча бемаъни,
Букун, эй Нодира, бошдин кўюб тожи мурассаъни,
Макон гулхан кулин қилди Навоий телбадек яъни,
Жунун торожидин охир қаро тупроққа ўлтурдум.



МАҲЗУНА

(XIX аср)

Адабиёт тарихига шоира Маҳзунанинг уч шеъри маълум. Бири Фазлий Намангоний билан қилган мушоираси, иккинчиси “Бўлмишам” радифли мухаммаси, учинчиси “Эмасман чарх даври ичра майдин ҳеч бегона” деб бошланган ғазали. Лекин шу уч шеърдан оқ Маҳзунанинг нақадар ноёб истеъдод соҳиби, нақадар тобеъ равон шоира эканлиги кўриниб турибди.

Маҳзуна XIX асрда, Умархон даврида Фарғонада етишган уч истеъдодли шоиранинг биридир. Маҳзунанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот жуда кам. Фақат Фазлий Намангонийнинг “Мажмуат-уш шуаро” тазкирасида “Маҳзуна... мулла Бошмон қизи” деган жумла учрайди. Бундан ташқари Фазлийнинг мушоирани қандай яратилганлиги ҳақидаги шеърий ҳикояси — манзуми бор.

Маҳзунанинг шоир Фазлий билан қилган мушоираси ўзбек мумтоз адабиётидаги мушоиранинг энг гўзал намуналаридан биридир. Мушоиранинг бундай латиф, бадий мукамал намунасини яратиш унча-бунча шоирнинг қўлидан келмайди. Тўғри, мушоира қилишга баъзан катта шоирларнинг ҳам юраги бетламаган. Табиъ равон Маҳзуна учун бу оддий бир ҳол бўлган. Фазлийнинг ҳикоясига қараганда Маҳ-

зуна жуда машхур шоира бўлган. Маҳзуна шеърятда қанчалик шуҳрат қозонган бўлса, ҳусн-малоҳатда, ақл-идрокда, хуштаъбаликда ҳам шунча донг таратганди. Фазлий у билан мактуб орқали мушоира қилиб турган. Маҳзуна Фазлий билан шундай қизгин мушоирага киришганки, гоҳо Фазлий каби истеъдодли шоир ҳам гап топиб беролмай лол бўлиб қолган. Шундан ҳам билса бўладики, Маҳзуна Умархон даврида яшаган уч истеъдодли шоиранинг бири бўлган.

— “Мен нотовон, — деб ёзади Фазлий — турли ўй-фикрлар билан унга қандай ғазаллар юбормайин — ул пари чеҳра менинг ҳар байтимга гавҳардек пок жавоблар қайтарарди”. Фазлий Маҳзунанинг юксак истеъдодини тан олган ва ичида тасаннолар айтган. Фазлий эса Қўқон адабий муҳотида етишиб чиққан энг истеъдодли шоирлардан бири эди. Шунинг учун Умархон — Амирий унга “Мажмуат уш-шуаро” тазкирасини ёзишни топширганди.

Шоира Маҳзунанинг ҳаёти ва ижодига оид маълумот кам ва ноаниқ бўлса ҳам уни бетакрор истеъдод соҳиби бўлгани аниқдир. Бизнингча, шоира кўп ва хўп асарлар ёзган. Чунки киши бирданига шундай табиъ равон шоира бўлиб қолмайди. Аммо шоиранинг асарлари бизгача етиб келмаган ёки топилмаган.

МУШОИРА

Фазлий

Юз офарин сўзинга лубби лубоб кўрмай,
Арзи жамол этарму, ойина об кўрмай?

Маҳзуна

— Кимдин чиқар бу сўзлар бағрин кабоб кўрмай,
Ганж ўлмағай муяссар ҳолин хароб кўрмай.

Фазлий

— Мастураи суханға пўшидалиғ муносиб.
Маъни арусини бас ман бениқоб кўрмай.

Маҳзуна

— Йўқ айби сўзларимни гар бўлмаса муаддаб,
Андоқки ўт кўкаргай ҳеч офтоб кўрмай.

Фазлий

— Майгун лабинг ҳадиси маст этди ғойибона,
Кайфият ўлди зоҳир жоми шароб кўрмай.

Маҳзуна

— Бир важҳ буки табъим хом асрамиш замона,
Чархи сипеҳрдин ул ҳеч печутоб кўрмай.

Фазлий

— Мундоғки нуктадонсан ким эрди устодинг,
Ой касби нур қилмас то офтоб кўрмай?

Маҳзуна

— Кўб наҳрлар йиғилса, даръёйи пурдур ўлгай,
Илм аҳлидин бу мискин бир шайху шоб кўрмай.

Фазлий

— Бир нукта айла зоҳир, Фазлийни қўйма Маҳзун,
То кетмайин Намонгон сандан жавоб кўрмай.

Маҳзуна

— Байтулҳазан ичинда узлат тутуб бу Маҳзун
Фазли илоҳидур бу, йўқса китоб кўрмай.

МУҲАММАС

Дўстлар бир ҳусни бе ҳамтоя ошиқ бўлмишам,
Ҳур пайкар бир малак сиймоя ошиқ бўлмишам,
Нутқи ширин, лаъли руҳафзоя ошиқ бўлмишам,
Ғамзаси қотил, кўзи шаҳлоя ошиқ бўлмишам,
Ҳусн элининг шоҳи бир мирзоя ошиқ бўлмишам.

Кўрган эрмас уйла бир маҳвашни чашми рўзгор,
Хулқи ширин, гулбадан, рашки чаман, насрин изор,
Ноз ойину тағофул пеша, истиғно шиор,
Илтифот этмас агар юз жон топиб қилсам нисор,
Бир ситамгар шўхи бепарвоя ошиқ бўлмишам.

Оразин очқоч қуёш анворини айлар адам,
Жон ғизолиға берур ваҳший кўзи таълими рам,
Лабларини олдида қанду асалдур мисли сам,
Зулфу қадду оразидин мунфаил боғи эрам,
Кишвари ҳусн ичра бир яктоя ошиқ бўлмишам.

Қошлари бир-бирға пайванда икки мушкини ҳилол,
Кўзлари юз марғузориға ики ваҳший ғизол,
Қомати боғи мурод ичра янги биткан ниҳол.
Олло-олло ким кўрубдур, бу латофатлу жамол.
Ҳусн аро бир мисли нопадоя ошиқ бўлмишам.

Ушбу ҳайрат бирла кўрган наҳли қадди жилвагар,
Бовар этмас гар улус берса шаҳолат, деб башар,
Орази андоқ мусаффо ким қилиб бўлмас назар,
Бадри рухсорин кўруб, бўлди хижолат бу қамар,
Рашки Юсуф бир бути зебоя ошиқ бўлмишам.

Маҳваши ҳурилиқо гулгун қабо, гул пираҳан,
Қоши истиғно ҳилоли, ғамзаси лашкар шикан,
Ғунчай хандондур оғзи, тишлари дурри Адан,
Бўлмади бир дам жамолидин ёруғ байтулҳазан,
Токи ул моҳи жаҳон пероя ошиқ бўлмишам.

Эй мани Маҳзун мусофирға маломат бесабаб,
Тутмасам фармонини мардуд этиб айлар ғазаб,
Жуз ризойи дўст, ишқ аҳлиға не бўлғай талаб,
Чикқали исломдин зуннор боғлаб йўқ ажаб,
Менки бу дин офати тарсоя ошиқ бўлмишам.

САҲБОГА ПАРВОНА

Эмасман чарх даври ичра майдин ҳеч бегона,
Куёшнинг косасидек ўйнагай кўлимда паймона.


Топилмас ранги сарғайган киши майхонамиз ичра,
Агар жўш урса майнинг ҳиммати мажлисда мардона.

Чироғи давлати ўчмас сира сар-сар шамолидин,
Агар майдин кишининг жоми ичра тушса дурдона.

Фақат қайрилма қошдин ўзгага маст этмагай сажда,
Шунинг-чун бош эгар май дарғаҳига ринди мастона.

Эрурлар бошқа олам қавмидин маънога ошиқлар,
Чивиндек бўлма, эй Маҳзуна, сен саҳбога парвона.

М. Муинзода таржимаси



МУАЗЗАМХОН

(XIX аср II-ярми — 1917)

Муаззам XIX асрнинг иккинчи ярмида Хўжанд шаҳрининг Чоршанба гузари, масжиди Сурх мавзеида дунёга келган. Шоиранинг отаси фарзандларини, хусусан, қизи Муаззамни илмли бўлиб етишишига алоҳида эътибор берган. Муаззам ўз замонасига кўра яхши билим олган, форс, араб тилларини, аруз вазнини чуқур эгаллаган, Атоий, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб каби шоирларнинг ижодини кунт билан ўрганиб борган. Уларга тақлид қилиб, шеърлар ёза бошлаган.

Муаззам ўн олти ёшида узатилган. Эри уни Жиззахга олиб кетади. Мана ўша онлардан эътиборан шоиранинг ҳаётида алам-ситамли кунлар бошлади, фалак Муаззамнинг бошига жабру жафолар тошини ёғдиради.

Муаззам шеърияти замирида севги ва садоқат, учрашув онларининг завқ-шавқи, қувончлари, айрилиқ дамларининг аччиқ изтироблари ётади. Шоира ёр ҳақида ўйлаганда қалбида тил билан тасвирлаб бўлмайдиган ширин туйғулар тугён уради.

Дилбаримни ёд қилсам тандаги жон қилди рақс,
Маъшуқамни шавқи бирла балки имкон қилди рақс.

Муаззам ғазалларини аксарияти дунёвий ва илоҳий ишқ руҳида ёзилган. Шоиранинг айри-

лик азобига бағишланган шеърлари ҳам бор. Унинг ҳар иккала йўналишдаги ғазаллари ўзининг ғоявий теранлиги, бадий пухталиги билан кўзга кўринган шоирларнинг шеърларидан қолишмайди. Шоира ишқий ғазалларида ўздан олдин ўтган мумтоз адабиёт намояндalarига эргашса, тасаввуфona асарларида Аҳмад Яссавийга тақлид қилади, илоҳий муҳаббатни тўлиб-тошиб васф этади ва кўпинча фалакнинг жабридан зорланади.

Фалакнинг жавридиндур кўнглума озор ҳар соат,
Жароҳатлик кўнгулга сончилур кўп хор ҳар соат.

Замондан яхшилик, умр йўлдошидан меҳр-вафо кўрмаган шоира ўзини ғариб ва ёлғиз ҳис этади. Дард-ҳасратларини кимга айтишини билмай аламини яна шеър ёзишдан олади, қайғуларини қалам ва қоғозга айтиб йиғлайди:

Бу фалакнинг жабридин мен кимга бориб дод этай?
Доимо бағрим эзиб, дийдамни хунбор айламиш.

Тақдир шоира бошига тоғдан оғир ташвиш солди. Ўша вақтда Жиззахда тарқалган вабо Муаззамнинг тўрт фарзандини ёстиғини қуритди. Шоиранинг ғамига ғам, аламига алам қўшилди. Унинг сози янада ғамгин, янада ҳазин садо таратди:

На тил бирлан баён айлай мен ул рози ниҳонимни,
Ғариблик ўтди куйдирди тамоми устухонимни.
Боламнинг соясида ўлтурарман деб ваган туттум,
Ўлум жаллоди келдию тепиб бузди маконимни.

Шоиранинг ёши ўтган сайин аламлари ор-тиб борди, шеърлари янгича мунг, янгича на-фас, оҳанг касб этди. Ҳаёт унинг бошига беа-дад ғам-аламлар солди. Етмиш ёшдан ошган Муаззамнинг кўзи хиралашди, шол бўлиб қол-ди. Шоиранинг фигони фалакка етди:

Мен бўлубман дўстлар ҳижронида:
Бемадору, бемадору, бемадор...
Бистари фурқат аро ётубдурман:
Дилфигору, дилфигору, дилфигор...
Ғар ўлуб кетсам бу ҳижрон чўлида:
Интизору, интизору, интизор...

Муаззамнинг бу мусибатномаси ўзбек мум-тоз адабиётида кам учраб турадиган шаклида ёзилган. Лекин Муаззамнинг қаламида ўзгача ранг, ўзгача мазмун, ўзгача оҳанг касб этган, шоира қалбининг акс-садоси бўлиб янграган.

Шоира тахминан етмиш беш ёшларда Жиззахда оламдан ўтган. Муаззамнинг адабий мероси бизга тўлалигича етиб келмаган. Унинг шеърый дафтарлари, яъни кичик-кичик девонлари қўлма-қўл юриб йўқолган ёки номаълум кишилар қўлида қолиб кетган. Муаззамнинг муҳтарам китобхонларга тақдим этилаётган ғазаллари адабиётшунос олима Музайяна Алавия томонидан топилган баёздан олинган.

Шундай қилиб, Муаззам ўзбек мумтоз адабиётида ўз сози, ўз овози билан ижод этиб ўтган шоирадир. У фалакнинг тескари айланишидан,

замоннинг носозлигидан фифон чекди. Разолат-
ни қоралаб, эзгуликни тўлиб-тошиб куйлади.
Яхши кунларни кўмсаб яшади, хур замонларни
орзу қилиб куйлади. Шоиранинг орзу-умидла-
ри истиқлол тантана қилган бизнинг кунлари-
мизда рўёбга чиқди.



... КҰНГЛУМА ОЗОР ҲАР СОАТ

Фалакнинг жавридиндур кўнглума озор ҳар соат,
Жароҳатлик кўнгулга совчилар кўп хор ҳар соат.

Жамолинг орзусида қизил гул олдига борсам,
Тегар ҳар хоридин кўнглумга юз озор ҳар соат.

Фироғингда бўлубман телбау ўзумни билмайман,
Қилурман нолау фарёд мажнунвор ҳар соат.

Қаю махлуқ қадам қўйса менинг байтул ҳазонимга,
Қилурман олдида васфингни мен такрор ҳар соат.

Кўзимдин уйқуни ихрож қилди шоми ҳижронинг,
Анинг учун дамо-дам йиғларам хунбор ҳар соат.

Баногаҳ кавкаби наҳсим тулуи саъда айланса,
Камин айлаб ани иғво қилур ағёр ҳар соат.

Табиблар айди: ҳижрон дардини доруси ўлмакдур,
Анинг-чун мен бўлубмен ҳажр ила бемор ҳар соат.

Фалак соқиси сунди жоми ғам, ичтим, йиқилдим мен
Ғаминг тугёнидин қайнаб чиқар зангор ҳар соат.

Фалак тарҳи жудолик солмасун (ҳеч мумин ошиққа)
Жудоликдин Муаззам тортадур озор ҳар соат.

ДИЛБАРИМНИ ЁД ҚИЛСАМ...

Дилбаримни ёд қилсам тандаги жон қилди рақс,
Маъшуқамни шавқи бирла балки иймон қилди рақс.

Дафтари ҳуснинг ўқуб гулзор аро қилсам гузар,
Тўти-ю, кумри-ю, булбул ҳам гулистон қилди рақс.

Ногаҳон боди сабо васфи қадинг шарҳ айласа,
Тоқат этмай, тебраниб, сарви хиромон қилди рақс.

Накҳати кўйинг Хўтан дашти аро қилса гузар,
Нофасин ерга уруб, ваҳши ғизолон қилди рақс.

Дурри дандонинг кўруб гавҳар ўзин кам айлади,
Кўруб они баҳр аро лулу-у маржон қилди рақс.

Оразинг шавқи билан жаннатда ҳурлар мунтазир,
Хоки наълингнинг таманносида ризвон қилди рақс.

Назм этибдур бас Муаззам наът деб бир неча сўз,
Ўқуб они эшитиб бир неча нодон қилди рақс.

БЕМАДОРУ, БЕМАДОРУ, БЕМАДОР...

Мен бўлубман дўстлар ҳижронида:
Бемадору, бемадору, бемадор...

Бистари фурқат аро ётибдуман:
Дилфигору, дилфигору, дилфигор...

Гар ўлуб кетсам бу ҳижрон чўлида:
Интизору, интизору, интизор...

Турбатимдин қон югуб лола унар:
Ҳар баҳору, ҳар баҳору, ҳар баҳор...

Мен қилармен, дўстдин келса хабар,
Жон нисору, жон нисору, жон нисор...

Дўст васлини тилаб қилдим тавоф:
Ҳар мазору, ҳар мазору, ҳар мазор...

Ётадурмен байтул эҳзоним аро:
Хору зору, хору зору, хору зор...

Йиғлаюрман бош уруб даргоҳига:
Ҳар наҳору, ҳар наҳору, ҳар наҳор...

Зарра янглиғ доимо титрар таним:
Беқарору, беқарору, беқарор....

Сен халос айла ғариблик юртидин:
Кирдигору, кирдигору, кирдигор...

Ҳар на қилсанг рўзи маҳшар қилмагин:
Шармсору, шармсору, шармсор...

Ўлганимдин сўнг дуо-ла ёд этинг:
Дўсту ёру, дўсту ёру, дўсту ёр...

Икки фарзандинг Муаззам йиғламас:
Ашкбору, ашкбору, ашкбор...

БУЛ ФАЛАК ЖАБРУ ЖАФОНИ

Бу фалак жабру жафони менга чандон айламиш,
Сўнгакимни кул қилиб, ер бирла яксон айламиш.

Интизорликда азиз умрим адо айлаб яна,
Бу ғариблик юртида ёлғуз ғўристон айламиш.

Ҳоли зоримни ёзиб гулзора изҳор айласам,
Кўзидин шабнам тўкуб, рухсорини қон айламиш.

Лолалар бағримдаги доғимни кўрса йиғлашур,
Бошдин ташлаб кулаҳ, чоки гиребон айламиш.

Боғ аро гар сабзалар олдида турсам бир нафас,
Сабзаларни баргини хори мағилон айламиш.

Лоладин ибрат олиб доғинг ниҳон тут, бўл хамўш,
Оғзин очиб кўнглининг доғин намоён айламиш.

“Телба сўзлаб ҳар қаён юрмиш” деюб халқ сўзлашур,
Узлат ичра ўлтирибман, они бўҳтон айламиш.

Руссаи дил, қиссаи мушкулга қолдим демагил,
Иншооллоҳ, мушкулингни холиқ осон айламиш.

Эй муаззам, шунчаким туттинг ниҳон ҳоли дилинг,
Дуди оҳинг шўъласи элга намоён айламиш.

ЭЙ ТАМОШОЙИ РУҲИНГ

Эй тамошойи руҳинг шамъи шабистондин лазиз,
Партави анвори хуснинг моҳи тобондин лазиз.

Фатҳу нусрат ёр ўлуб топсам шарафлик қўйингга,
Ул менга басдур, эрур тахти Сулаймондин лазиз.

Кипригим жорўб этибон айласам фаррошлик,
Хокрўби остонинг лаълу маржондин лазиз.

Гар худо қилса иноят, қўйинга бўлсам муқим,
Итларингиз суҳбатидур ҳуру ғулмондин лазиз.

Офтоби анвари меҳри жамолинг тобласа,
Кўнглум ичра кўрунур, албатта, ул жондин лазиз.

Марҳамат айлаб Муаззамни десанг қўйим ити,
Ул менга басдур, эрур тахти Сулаймондин лазиз.

ЖОНОНИМҒА АРЗ

Эй сабо, жоним ҳалокин айла жононимға арз,
Ҳоли зорим қилғайсен, албатта, султонимға арз.

Зарра янглиғ фурқатида изтироб этканларим,
Қилғайсен зинҳор ул хуршиди тобонимға арз.

Мўри лангман бир малах пойини мавжуд қилмаган,
Бе бизоат қолганимни эт Сулаймонимға арз.

Зулмати шоми фироқи ичра йўл топмаслигим.
Ҳеч киши йўқ қилса ул шамъи шабистонимға арз.

Ҳажри даштида шаҳиди Карбало бўлгоними
Айлаёлмасман бориб хуршиди тобонитға арз.

Мен ҳазон янглиғ ётибман ястаниб хошок аро,
Эй сабо, ҳолимни қилғил ул гулистонимға арз.

Мурдадил бўлдинг Муаззам найларам вовайлато
Кош қилса хизри тавфиқ оби ҳайвонимға арз.

СЕНИ ШОМИ ФИРОҚИНГДА

Сени шоми фироқингда кўзимга келмади уйқу
Анинг учун оқар хуноб сариқ рухсор уза ҳар сў.

Мени ақлимни олди лашкари ҳижрон ҳужум айлаб,
Бияйниким мусулмон хайлини яғмо қилур ҳинду.

Мени ҳижрон қиличи ҳар тарафдин тўкти қонимни,
Бўёлиб қона, чиқмай талпиниб ётқон на жондур бу?

Келибдур бошим узра лашкари ҳижрон қилич тортиб
Мени жондин халос этмас, нечук соҳибқирондур бу?

Табиби ҳозиқ излаб сўрадим дардим иложини,
Табиблар айди, сабрдин ўзга нофиъ бўлмагай дору.

Таҳаммул пардаси бирлан бу дардимни ниҳон тутсам,
Қилур жоним қуши фарёд этиб ҳар лаҳза оллоху.

Ғариблик юртига тушдим — гирифтори қафас бўлдим,
Қафасда ётадурман емишим ғам, ичишим қайғу.

Ҳадисда Мустафо: “Алсабру мифтоҳул-фараҳ” дебдур
Ҳама фатҳу зафарни эшикига сабр эмиш очку.

Гули мақсад очилмай, ўтти ҳангоми баҳори умр.
Зимистони ажал келди, сумуми ғам билан қаршу.

Ўзинга келгил эмди ҳарза сўзлаб ҳар қаён юрма,
“Муаззам телба бўлмиш” деб ҳалойиқлар қилур кулгу.

ДИЛРАБО

Дилрабо ногаҳ келибон сайри гулзор айламиш,
Мен ғарибни гул юзин олдида кўп хор айламиш.

Ҳар қаю гул хор ила улфат тутар гулзорда,
Турфа таҳсинким, мени бир кўргали зор айламиш.

Бу фалакнинг жабридин мен кимга бориб дод этай?
Доимо бағрим эзиб, дидамни хунбор айламиш.

Оташи шавқи висоли дўст жоним ўртади,
Сўнгакимни кул қилиб, жисмимни афгор айламиш.

Лашкари ҳижрон келиб кўнглум аро жо айлади,
Турфа олий шаҳр экан деб они бозор айламиш.

Хори ҳижрон, доғи ҳижрон бирла дуконин тузаб,
Нақди жонимни олиб ғамга харидор айламиш.

Ғунча янглиғ қон ютуб тутгум ниҳон ҳоли дилим,
Ханжари ғам бағрими чок айлаб изҳор айламиш.

Ҳар қаю мавжуд агар куйса фироқинг ўтига,
Тоқат этмай ўзини расвойи бозор айламиш.

Мардумаклар ўзни ёшурмоқ учун агёрдин
Кифрикимни кўзим атрофига сархор айламиш.

Бўл, Муаззам, шод, келса ёр ҳолингни сўраб,
Ким сабо ҳоли харобинг ёра изҳор айламиш.

МИСОЛИ НАЙ

Мисоли най сени ҳажрингда афғон айладим ҳар шаб,
Нечук иқбол экандур, ҳеч ҳосил бўлмади матлаб?

Хаёли фосиду андишаи ботилга йўл юрдунг,
Қабоҳат дарсини ҳола ажал келгонича тиклаб.

Расулни суннатини жону дилда уствор айла,
Ки шояд рўзи маҳшар ушлагай дастингдин ул йўхлаб.

Кўнгул асрорини ҳар дўст олдиға баён эттим,
Писанд этмай, деди: “Кўп сўзлама, беҳудадур бу гап!”

Тамизу ақлу идрок бу учов мендин юз ўгурди,
Кетиб борур учовлон бир-бирини қўлини ушлаб.

Бу ҳижрон дардини, мушкул, дедилар аҳли донишлар,
Эгам даргоҳига боргин бу дардинга даво излаб.

Илоҳи ҳеч бандангни фироқ ўтида куйдирма,
Ижобат қил дуосини, агар “омин” деса йиғлаб.

Азал котиби, дўстлар, меҳрини лавҳи замиримда,
Китобат қилди найлай, фурқат ўтига мени доғлаб.

Хамўш ўлтур, Муаззам, суҳбати аҳли тамиз ичра,
Фазиҳат бўлмагайсан, эл аро беҳуда кўп сўзлаб.

ХАТИНГ АЙЛАР

Хатинг айлар сени райҳон билан баҳс,
Даҳонинг гунчаи хандон билан баҳс.

Жамолинг офтоби оламаро
Нега қилсун маҳи тобон билан баҳс?

Сени кўюнг эрур фирдавсдин аъло,
Ки қилса жаннату ризвон билан баҳс.

Фироқинг ўти куйдурди бу жоним,
Қилодур оташи сўзон билан баҳс.

Фироқинг шомини гар кўрса дўзах,
Қилолмасдур шаби ҳижрон билан баҳс.

Муаззамдур гадойи мустамандинг.
Нечук қилсун гадо султон билан баҳс.

НОЛА АЙЛАБ

Нола айлаб туну кун бўлдим мисоли андалиб,
Айлагил, ёраб, менга сен боғи лутфингдин насиб.

Бу қуруқ жисмим мисоли най каби афғондадур,
Фурқат ўтидин куюб қолғуси хокистар бўлиб.

Тиш тушуб, сочинг оқориб, дунё саргардонисан,
Даҳр айвони аро ўлтурмадинг бир дам тиниб.

Ҳеч даргоҳдин умиди беҳбудим билмадим,
Бош уруб келдим сени даргоҳинга мен айланиб.

Мунтазир эрдим висол уммиди бирлан субҳу шом,
Бўлмади матлаб муяссар чиқти жоним анқариб.

Мақсади аъло яқосига қилиб илким дароз,
Келмади илкимга матлабни яқоси йиртилиб.

Нақди умринг сарф бўлди булҳафаслик кўйида,
Ҳоли ҳам кел йиғлагил, сен даргоҳига ёлбориб.

Ўз диёрингда эдинг бир тўтийи шаккарфишон,
Қолди найлай тўтийи табъинг забондин айрилиб.

Сохладим тамкин дўконида матои имтиёз,
Бўлмади ним жав баҳо, қолди дўконим беркилиб.

Эй Муаззам, ҳар нечук номардни сирдош айлама,
Уқмагай ҳарфингни гарчи оқса бағринг эзилиб...

ДЎСТЛАР, МЕН НАЙЛАЙИН

Дўстлар, мен найлайин, зору низор этти фалак,
Меҳнату андуҳу кулфатга дучор этти фалак.

Лолаю райҳон экиб эрдим кўнгулни саҳнига,
Лола унмай, гул очилмай шўразор этти фалак.

Бахти бад, толеи вожун иккиси ҳамдам экан,
Қисмати рўзи азалдин анга ёр этти фалак.

Хужраи дилга ниҳон тутгим рақиблар таънасин,
Охири пинҳон сирримни ошкор этти фалак.

Ҳар жафо келса эгамнинг ҳукми деб бўлдим хамўш
Кўз ёшим селобасини жўйбор этти фалак.

Эй Муаззам сен, ғарибсен, ҳеч кими ёр айлама,
Ёр деб сиррингни айтсанг, зери дор этти фалак.

ЁРОНЛАР ШАҲРИНГИЗДА БИР ҒАРИБМАН

Ёронлар шаҳрингизга бир ғарибман,
Қариндошу ватандин бенасибман.

Фалак отти фалахмонга солибон,
Бу манзилга тушуб ҳайрон бўлибман.

Ғариблик Мустафо суннатлари деб,
Ғариб уксукини роҳат билибман.

Ҳама фарзандларим шаҳри адамда,
Ўзум ёлғуз бу водийда қолибман.

Юзум қаттиқ, тилим аччиқ, дилим тош,
Ҳама нуқсон ўзимдин деб билибман.

Ҳаво бирла ҳавас йўлига юрдим,
Бу дунё даврини ўтмас билибман.

Шаётин макри бирлан йўлдин оздим,
Ўзимнинг жонима заҳмат қилибман.

Муаззам, гар жафо фисқдир, валекин
Умидим кўп, сени воҳид билибман.

ДУՎСТЛАР, ДОҒИ ЖУДОЛИК

Дўстлар, доғи жудолик бенаво қилди мени,
Элу халқимдин йироқ айлаб, гадо қилди мени.

Ўз диёримдин адашган бир ғариби хорман,
Ингизорликда азиз умрим адо қилди мени.

Кимни кўрсам дафтари ҳижрон ўқудим олдида,
Ўқмади сўзимни-ю, қайтиб изо қилди мени.

Бул ғариблик бир сари, ҳам доғи фарзанд ўртади,
Рўзи беҳбуд кўрганим явмулжазо қилди мени.

Кимга бориб дод этай золим фалакнинг жавридин,
Охири юз минг балога мубтало қилди мени.

Гурбату андуҳу меҳнат бошимга айлаб ҳужум
Най каби жисмимни янчиб бурё қилди мени.

Гар Муаззам бу фалақдин шиква этса арзигай
Доимо дасти ажалдин додхоҳ қилди мени.

ФАРИБЛИК ЮРТИДА

Фариблик юртида мен бекасу сомон бўлиб қолдим,
Фалакни чархи каж уйрулди, саргардон бўлиб қолдим.

Фалакни гардиши бирлан диёримдин жудо бўлдим,
Ҳамиша интизорликда кўзим гирён бўлиб қолдим.

Ҳама фарзандларим шаҳри адамдин манзил олдилар,
Қолиб ёлғуз бошим бу водийда ҳайрон бўлиб қолдим.

Ҳама наврас, ҳама навхат, ажойиб олиму комил,
Аларнинг фурқатида куйдиму бирён бўлиб қолдим.

Мени ранжур эрур бағрим, ситам тифига юз пора,
Худо амрига йўқ чора, нетай, ҳайрон бўлиб қолдим.

Турарга тоқатим йўқдур, юрарга ҳам мажолим йўқ,
Бу гурбатхонада чун банди зиндон бўлиб қолдим.

Муаззам, сўзларинг гумномликнинг дафтаридиндур.
Ки, андин шаммас авроқ уза дoston этиб қолдим.

ХАТ

Дўстлар, мен найлайин розимни ифшо қилди хат,
Сирри-пинҳонимни элга ошкоро қилди хат.

Мен қалам бирлан неча йил махфида сирдош эдим,
Охири котиб эрур деб халққа расво қилди хат.

Ақраболар ичра турфа соддау луч-пуч эдим
Тишлабон бормоқни афсус уйла доно қилди хат.

Чорпа янглиғ эдим ҳарфу алифдин беҳабар,
Дарси абжад ўқутуб, охирда мулло қилди хат.

Зулфига зил келтуруб зулматга зан қилдим рақам.
Фаҳму дониш ўргатиб машқим хуш имло қилди хат.

Жон билан миннат туторман хат билан қоғозга ким,
Ўз диёримга ҳама розимни иншо қилди хат.

Битди деб қилди ишорат ўку деб мушкин қалам,
Ўқуғач кўз ёшимни монанди дарё қилди хат.

Аҳли миннатларга доим илтижо қилмоқ надур,
Мушкилим осон этиб, мақсадни мужро қилди хат.

Сен, Муаззам, ростларни хизматида бўл муқим,
Кимки кажрав бўлди охир дамда расво қилди хат.

НА ТИЛ БИРЛАН БАЁН АЙЛАЙ

На тил бирлан баён айлай мен ул рози ниҳонимни?
Ғариблик ўти куйдурди тамоми устухонимни.

Боламнинг соясида ўлгурурман деб ватан туттум,
Ўлум жаллоди келди-ю, тепиб бузди маконимни.

Ниҳоли боғи уммидим расо бўлғонида синди,
Ажални тўлқуни тегди — қурутти бўстонимни.

Чароғи рӯзгорим айни равшанлигида ўчти,
Қолибман зулмат ичра ҳеч киши билмайди ҳолимни.

Қаю мажлис аро ким шарҳи аҳволим баён қилсам,
Кўзидин қон тўкар ҳар ким эшитса достонимни.

Муаззам бир қаландарман жаҳонда ҳеч нишоним йўқ,
Нишон деб сафҳага чектим рақам назми равонимни.



НОЗИМАХОНИМ

(1869—1924)

Шоира Нозима XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида зиёли оиласида дунёга келган. Нозиманинг отаси Саид Аҳмад маърифатпарвар, илм-урфонни қадрловчи фозил киши эди. Шунинг учун у қизи Нозимага ҳар томонлама чуқур илм беришга, уни ўз замонасининг чинакам зиёлиси этиб етиштиришга ҳаракат қиларди. Нозима ўша вақтдаги қизлар мактабини тугатган. Ундан сўнг шоира ўзбек қизлари учун очилган русча мактабда таълим олган. Нозима ўзбекчани, форс-тожикчани қунт билан ўрганиш билан бирга рус тилини ҳам эгаллаб борган. Саккокий, Атоий, Лутфий, Навоий, Бобур, Нодира каби забардаст шоирларнинг ижодини эҳтирос билан ўрганган. Уларнинг мазмунан юксак, шаклан гўзал асарларига тақлид этиб ғазаллар ёза бошлаган.

Замонавий билимларга ташна, ҳур фикрловчи Нозима ўша замонда чиқиб турган вақтли матбуот намуналаридан баҳраманд бўлиб борган. Шоиранинг шеърлари “Туркистон вилоятининг газети”, “Садойи Туркистон”, “Шуҳрат”, “Тараққий” каби матбуот нашрларида чиқиб турган. Маълумки, у даврда Ўрта Осиёда Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний бошчилигидаги жадидчилик ҳаракати авж олганди. Шу боис

шоиранинг кўпгина шеърлари жадидчилик руҳида ёзилган. Бунга Нозиманинг “Ҳасрат”, “Минг таассуф”, “Афсус”, “Аё маҳкумалар”, “Қутлуғ кунинг муборак” сингари шеърлари яққол далил бўлади. Шоира мазкур шеърларида хотин-қизлар озодлигини, шахс эркинлигини тўлиб-тошиб куйлади, одамларни илм-маърифат олишга даъват этди, жувонбозликни — ахлоқий бузуқликни қаттиқ қоралади, вақтини илм-маърифатга сарфламай беҳуда ўтказган нодонлардан, жоҳиллардан, айш-ишратга берилиб кетган бойбаччалардан нафратланди:

Бойбаччалар сўрсангиз ҳар кун базму ишратда,
Мазлум, йўқсул алар чун қилар хизмат бир ёнда.

Шоира ўзининг ишқий лирикасида ўзбек мумтоз адабиётининг энг яхши анъаналарини изчиллик билан давом эттирди. Нозима яратган ғазаллар ўйноқи ва равонлиги, самимийлиги, мусиқавийлиги билан, халқ руҳига яқинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, шоиранинг “Айлади” радифли ишқий шеъри ғазалиётнинг энг яхши намуналаридан биридир. Халқимизнинг севимли кўшиқларидан бирига айланган бу ғазал ҳамон хонандалар томонидан завқ-шавқ билан куйлаб келинмоқда. Нозима ўзининг “Олам гулистондур бу кун” деб номланган ғазалида баҳор қувончларини, наврўзи олам чиройини, дунё гўзалликларини, одамларнинг шоду хуррамликларини тўлиб-тошиб тараннум этади. Шоиранинг лирик қаҳрамони наврўз кунларида ўз севгилиси билан бир-

га бўлгиси, у билан чаманларни сайр этишни орзу қилади. Лекин бевафо маъшуқа ошиқнинг бу арзи ҳолини қабул этмайди. Бундан ошиқнинг ҳоли паришон бўлиб қолади:

Бўлсам эрди ёр била ҳамнафас наврўз туни,
Қилмади арзим қабул, ҳолим паришондур бу кун...

Нозиманинг вақтли матбуот нашрларини тинмай ўқиб бориши, унинг тафаккур доирасини кенгайтирди. Ижтимоий-сиёсий ҳодисаларини тез ва тўғри англаб олиш имкониятига эга бўлди. Шунинг учун шоира ўзбек хотин-қизларининг ҳақ-хуқуқсизлигидан фиғон чекди, уларнинг озод, ҳур бўлишларини орзу қилди. Бу кайфият шоиранинг шеърларида яққол ўз ифодасини топди. Нозима матбуотда қатнашган биринчи ўзбек аёлидир. Шунинг учун шоира ижтимоий тенгсизлик фақат эркаклар билан аёллар орасида эмас, ўша замон жамиятида табиий ҳол эканлигини дарҳол пайқаб олди. Аксарият шеърларида ижтимоий адолатсизликни қоралаб, ҳурриятни завқ-шавқ билан васф этди. Шу боис у ўзбек адабиёти тарихидан маърифатпарвар аёл, ҳурликнинг оташин куйчиси сифатида фахрли ўрин эгаллади.

АЁ МАҲКУМАЛАР...

Аё маҳкумалар, айтай сиза дардим, қулоқ солинг,
Бу панду сўзларим дуррин қулоғинга осиб олинг.
Ҳама қўзғолди, сиз ҳам илму урфон сори қўзғолинг!
Асрлар элтғон ул бидъат уйқусидин уйғонинг!

Етар, баским биза беҳад бало санги насиб ўлди,
“Заифу нотавонлар” деб биза қуллик насиб ўлди,
Ки ул зулматни тимсоли чодир-чиммат насиб ўлди,
Асрлар элтғон ул бидъат уйқусидин уйғонинг!

Боқингким, ўзга миллат қизлари на ерлара етмуш,
Ўқуб илму ҳунарларни, ки ҳикмат сиррини билмуш,
Билиб ўз эътиборни ҳам ҳуқуқини таниб олмуш,
Асрлар элтғон ул бидъат уйқусидин уйғонинг!

Очиб юз маърифат сори, этинг барбод хурофотни,
Билинг, ул уфалик дугоналар енгмуш жаҳолатни,
Олиб эркин нафас, онлар қилиб дафъи залолатни,
Асрлар элтғон ул бидъат уйқусидин уйғонинг!

МАСТУ ҲАЙРОН АЙЛАДИ

Кўргузуб нозик жамолин масту ҳайрон айлади,
Ўзи гул сайрига кетти, бизни боғбон айлади.

Очилиб гул гунчадек ўт солди жону жисмима,
Бир тараҳҳум қилмайин оламга дoston айлади.

Кўргач ул хуршид юзин ўтлар туташди жонима,
Сўлдуриб умрим гулни, бахтимни вайрон айлади.

Юз жамоли шамъига парвона бўлдим ўртаниб,
Билмади ҳолим ҳануз, ағёра паймон айлади.

Мисли булбул гул юзин шавқида айларман наво,
Лек эшитмай бир йўли кўзимни гирён айлади.

Ҳар кеча ул ой фироқида чекарман оҳлар,
Бир табассум қилмайин ҳолим паришон айлади.

Майли, ширин тил била дерман камоли васфини,
Нозима, гарчи сени ҳуснига боғбон айлади.

ОЛАМ ГУЛИСТОНДУР БУ КУН

Келди айёми баҳор олам гулистондур бу кун,
Лолалар очилди саҳро боғу бўстондур бу кун.

Жаҳр-зикри хонақаҳдин юз ўгурмоқ вақтидур,
Даҳрнинг завку сафоси бизга меҳмондур бу кун.

Этти наврўз гул-чаман ҳусни расолар ҳуснини,
Ишқида дил булбули бехуду мастондур бу кун.

Бас ниқоб олди юзидин сарв бўйлуқ ёрлар,
Лаззати лаъли лаби ваҳ менга армондур бу кун.

Ранг-баранг оқу қизил кўйлак кийиб дилдорлар,
Бизни шайдо айлаган гулгун занахондур бу кун.

Чун аларнинг хуснидин олам ҳамадур лолазор,
Ошиқу маъшукқа боқиб масту ҳайрондур бу кун.

Нозанинлар ноз бирла зеб-зийнатлар тоқиб,
Сумбули зулфлар паришон райҳонистондур бу кун.

Бўлсам эрди ёр бирла ҳамнафас наврўз туни,
Қилмади арзим қабул, ҳолим паришондур бу кун.

Нозима, назминг била мадҳ эт баҳор айёмини,
Гар фалак кажравлиғидин юрт вайрондур бу кун...



САМАР БОНУ

(1837–1891)

Самар бонунинг номи яқин-яқингача адабиётшуносликка номаълум эди. Жонкуяр адабиётшунос олим, ўтмиш ўзбек шоирларининг муҳиби марҳум Тўхтасин Жалоловнинг кўп йиллик изланишлари, саъю ҳаракатлари туфайли Самар бону ижодий меросининг бир қисми қўлга киритилди ва халқимизнинг маънавий мулкига айланиб қолди.

Шоира Самар бону машҳур мутасаввуф шоир Ҳувайдонинг набираси, шоир Сирожийнинг қизидир. Шоира тахминан 1834 йилда туғилиб, 1894 йилларда оламдан ўтган. Сирожий илоҳиёт ва дунёвий билимларни чуқур эгаллаган ўз даврининг олим, фозил кишиси эди. У Қўқон мадрасаларида таҳсил кўриб, Асака ва Ўш мадрасаларида муддарислик қилган. Маърифатпарвар Сирожий фарзандларига, жумладан, қизиқ Самар бонуга ҳар томонлама пухта билим беришга интиланган. Шоиранинг онаси ҳам зиёли, маърифатпарвар аёл бўлган. Самар бону дастлабки маълумотни онасидан олган. Илоҳиёт ва шеърят назариясини, хусусан, аруз вазнини отаси Сирожийдан ўрганган. Самар бону бир сўзли, шаддод, эркин фикрловчи, матонатли аёл бўлган. Шоиранинг мана бу рубойиси, унинг табиатини ёрқин ифодалайди.

Қип-қизил девонаман, не нав қилай мен ўзни соғ,
Юрагим вайронадир, мен шунчаки зоҳирда чоғ.
Бу жаҳон хушхудлигини хушламассан, эй кўнгил,
Эҳтиёт эт, сен жаҳон айвонида сонсиз тузоғ.

Ҳа, шоиранинг юраги “вайрона”. Шунинг учун кенг олам кўзига тор бўлиб кўринади. У дунёни “сонсиз тузоғ” деб атайди. Ўзини озод ва хур ҳис этган шоира мавжуд ижтимоий тартиблар билан чиқиша олмайди. Шеърларида уларга қарши исён кўтаради. Хур севгини, шахс эркинлигини, соф муҳаббатни тараннум этади, беишқларни одам қаторига қўшмайди. “Ишқи йўқ одамни одам дема” деб хитоб қилади шоира ўз шеърларидан бирида.

Самар бону ўша замондаги эркисиз, ҳақ-ҳуқуқсиз ўзбек аёлларининг аянчли қисматига қаттиқ ачинади. Мазлумаларнинг аҳволини кўриб эзилади, изтироб чекади. Кўлига қалам олиб, дарду ҳасратларини, кўз нурларини қоғозга тўкади, жабру жафоларни маҳв этолмаганлигидан афсусланади:

Жаҳонда ҳар бало бўлса баҳам бўлди ғариб бошим,
Ситам бирла аламларни суриб ёндирмадим ҳаргиз...

Шоира танлаган йўл шарафли, аммо хатарли эди. Бу йўлдан юрувчиларнинг боши дорда ёки бўйни қилич остида эди. Лекин бу кўркўв, бу таҳдидлар шоиранинг мустаҳкам иродасини бука олмади. Танлаган йўлининг тўғри эканлигига қаттиқ ишонган Самар бону ҳақ-ҳуқуқсизликни қоралади, ўз замонасидаги мазлум аёлларнинг

тилидаги-дилидаги гапларни тўлиб-тошиб куйлади. Бошига беҳад жабру жафолар тушса ҳам бу йўлда қайтмаслигини рўйи-рост айтди:

Ёнмағил Бону, кирган йўлингдан
Олдингни тўсса шери дағолар...

Самар бону фақат шу мавзу билан чекланиб қолмади. Гоҳ Ҳофиз Шерозий, гоҳ Навоий, гоҳ Фузулий сингари буюк шоирларга тақлид қилиб, бир-биридан дилбар ва рангин ғазаллар ёзди. Ўз ижодини ўтмиш шоирларига эҳтиром билан бошлаган Самар бону уларга татаббуъ этди, радифг-ўйлик қилди. Буюк шоирлар билан шеърий мусобақага киришиб, зўр муваффақият қозонди.

Ёрга вафо, садоқат, висол онларига ташналик, айрилиқ азобидан нолиш Самар бону ғазалиётининг моҳиятини, мазмун-мағзини ташкил этади. Шоиранинг лирик қаҳрамони ўз маъшуқасини нигорон бўлиб кутади. Лекин ситамкор ёр ҳадеганда келавермайди. Ошиқ бундан изтироб чекади. Гоҳ хуш, гоҳ нохуш, гоҳ беҳуш, гоҳ боҳуш бўлади. Бечоранинг бошига тушмаган жабру жафо қолмайди. Шунинг учун маъшуқасининг кўзини жаллодга ўхшатади:

Кўзинг жаллоди бераҳму камон абруларинг ўқлар,
Мени бечоранинг чун ўлгурурға ишгироб айлаб...

Самар бону ишқ-муҳаббатдан бахт ва қувонч топмади. Замондан ҳам рўшнолик кўрмади. Дунёга йиғлаб келиб, дод деб кетди:

Бону айтур бу оламда, ки ғамсиз юрмадим ҳаргиз.
Бу дунё даврини шодмону хандон сурмадим ҳаргиз.

Ёки:

Бу фалак кажравлигидан бўлди дил хуноблар,
Ашк боримдин тўкилгай коса-коса облар.

Самар бону у дунё эмас, бу дунё нашъу на-
моларидан шодлик туйувчи, инсоний ишқ-му-
ҳаббатни тўлиб-тошиб тараннум этувчи ҳаёт-
бахш шоира эди. Лекин шоира негадир ўз та-
биатига зид равишда тасаввуфона ғазал ҳам
битган. Буни шоиранинг ота-боболарининг ру-
ҳига бўлган ҳурмат ва эҳтироми деб тушунмоқ
керак. Чунки Самар бонунинг улуг бобоси
Ҳувайдо ҳам, отаси Сирожий ҳам мутасаввуф
адабиётининг кўзга кўринган намояндалари
эдилар.

Самар бону ҳам ўтмишда яшаб ижод этган
мазлума ўзбек шоираларининг биридир. Унинг
алам-ситамлари Увайсий, Нодира, Маҳзуналар-
нинг ҳасрат-надоматларидан деярли фарқ қил-
майди.



НОЗУК АДОЛАР

Ёраб, бошимда кўпдур ҳаволар,
Номинг-ла тўлди арзу самолар.

Шукри висолинг айлаб туну кун,
Илкимни очдим — қилдим дуолар.

Ҳар кимни кўрсанг Хизр била кўр,
Учрар қошингга кўп раҳнамолар.

Шери жаёндек, фили дамондек
Кўюнгда ётмиш минг мубталолар.

Кўюнг сўроғин қилди набилар,
Байтул ҳазанда бўлди фанолар.

Юсуф жамолинг даъвосин этди,
Уч йилга сотди ўн бир ағолар.

Зикрингни айтди тайр ила ваҳший,
Тўлдир аларға кўху даролар.

Юз минг тил била минг-минг фарзанд,
Ишқанг бошида қилгай наволар.

Мажнун бошида савдойи зулфунг,
Юз минг менингдек баҳти қаролар.

Лайли юзидин анвори ҳуснинг,
Андек жаҳонда кўп худнамолар.

Кўхи гамингда қолмиш балоға,
Фарҳод янглиғ юз минг гадолар.

Шаккар лабингни шаҳдида ўлмиш
Ширин мисоллиқ нозук адолар.

Шому саҳарлар ёдингни айлаб,
Бону ўқуйдур ҳамлу санолар.

БЕНАВОЛАР

Ҳолим айтай, эй жонфизолар,
Бордур кўнгилда кўп муддаолар.

Эй ёру дўстум, айланг насиҳат,
Қилгай тараҳҳум марди худолар.

Билмай ўзумни ҳасратдадурмен,
Мендин ўтарму букун хатолар.

Дарди санамда қоматим ҳамдур,
Билгайму қадрим қадди дутолар.

Дарди ситамда ҳолим мукаддар,
Борму манингдек ҳеч бенаволар.

Солди худойим бир даҳр ичинда
Мискин бошимга юз мोजаролар.

Рўзи азалда қилмиш муқаррар,
Пешонам узра мундоғ наволар.

Эл таън этарлар, бўлдинг нечук деб,
Қадримни билмас ҳирсу ҳаволар.

Ҳардам унутқум ўзимни билмай,
Олғай қўлумни пири худолар.

Ёнмағил, Бону кирган йўлингдин,
Олдингни тўсса шери дағолар!..

ҒАМСИЗ ЮРМАДИМ ҲАРГИЗ

Бону айтур бу оламда, ки ғамсиз юрмадим ҳаргиз,
Бу дунё даврини шодмону хандон сурмадим ҳаргиз.

Жаҳонда юрдиму турдим неча чектим жафоларни
Жафосин кўрдум, э дўстлар, вафосин кўрмадим ҳаргиз.

Аё дўстлар, ки мен ёлғуз, ғариби бенаво қулмен,
Топай аҳл-аёл, атфол деюб қайғурмадим ҳаргиз.

Ки саккиз йил бўлур отам шикори Ёркент айлаб,
Муборак юзларни кўруб, кўзум тўйдурмадим ҳаргиз.

Ки кўрмакни қўюб, э тан, бўлак эмди талаб қилғил,
Шарифим сарри пойидин ўзум жўкурмадим ҳаргиз.

.....
.....

Жаҳонда ҳар бало бўлса баҳам бўлди ғариб бошим,
Ситам бирла аламларни суруб ёндирмадим ҳаргиз.

МЕРОС ДЕДИМ БОБОЛАРДИН

Илоҳи саййиди Қул Хожа Аҳмад,
Анингдек яхшилардин бўлса беҳад.

Илоҳи ҳурмати ул Хожа Ҳофиз,
Менам бўлсам рубоий ичра маҳфуз.

Илоҳи ҳурмати Амир Алишер,
Баҳаққи Сўфи Оллоёрдек эр,

Илоҳи ҳурмати ул Шамси Табриз
Мени бу ерда расво қилмағайсиз.

Илоҳи роҳати дилдур Ҳувайдо,
Бобом нисбатлари қилгайму шайдо.

Тасаддуқ мен бўлай, султони олам,
Чимиён халқига сиздур мукаррам.

Мерос дедим бобомлардин рубоий
Қолиб мерос бу сўзларнинг матои.

Сўнги бобом бу Ўшда Сармазори,
Тасаддуқ руҳингиздин қил мадори.

Баҳаққи руҳингизни айладим ёд,
Рубоъ айтиб кўнгулни айладим шод.

Отамлар Мавлавий Ёркентда ҳазрат,
Рубоъ айтиб қилиб онларни ҳурмат.

Менинг ҳаддиммуди сўз сўзламоққа
Рубойига боқиб мен кўзламоққа.

Отамлар ҳурматидин сўзладим сўз,
Рубойи машғулидурман шабу рўз.

Фарибу пур алам бир соддадурман
Рубоъ айтиб бу дунёдин енгилман.

ИШҚСИЗЛАРДИН ШИКОЯТ

Ишқи йўқ одамни ҳам одам дема,
Модагову барзаговдин кам дема!

Ишқи йўқ одам мисоли чорпо,
Тукқан эрмас ҳеч, вақт одам ато.

Ишқи йўқ одам ҳамиша ғафлати,
Ғафлатидур, ғафлатидур, ғафлати!..

Ишқи йўқ одам ҳамиша беҳабар
Қайси ишда нафдур, қайси зарар.

Ишқи йўқни жони йўқ, иймони йўқ,
Э биродар, бўлманг андин кўнгли йўқ!

Ишқи йўқ одамга бўлманглар яқин,
Сўзлади бу сўзни “Маслак муттақин”.

Ишқи йўқ одамни билсанг сурати,
Сурати, ки доимо ҳақ лаънати...

Ишқи йўқ одам мисоли том эрур,
Билсанг онинг мисли гови хом эрур.

Ишқи йўқ танни, биродар, тан дема,
Ассалом айтиб келса кимсан дема!

Ишқи йўқ одамни кўрсанг қоча кўр,
Юзиға боди шамолни оча кўр!

Ишқи йўқ одамга бўлма меҳрибон,
Меҳрибонлиғ ҳеч бўлур, андин гумон.

Ишқи йўқ одам юзи совуқ бўлур,
Тан ичинда имони оруқ бўлур.

Ишқи йўқ одам худодин беҳабар,
Беҳабардур, беҳабардур, беҳабар!

Ишқи йўқ одамнинг кўнгли қап-қаро,
Мен билодурман они чуни чаро.

Ишқи йўқ одам мисоли мадагов,
Фикри-ёди еб-ичар обу алов.

Ишқи йўқ одамни васфин айтаман,
Айтиб-айтиб бу жаҳондин қайтаман.

Ишқи йўқдин сўз келди сўзладим,
Ишқ ўтиға мен ўзимни кўзладим.

Ишқ ўтида куйсаму кул бўлсаму,
Ишқ элини изла-изла ўлсаму!..

Ишқ ўтида куйганимни сони йўқ,
Сони бўлса, дўстлар, имкони йўқ.

Ишқ ўтида куйди жоним қолмади,
Беҳабар одамлари ҳеч билмади.

Ишқи йўқ одамлардин дод этай,
Ушбу сўзда ишқ элини шод этай.

Ишқи йўқ одам мунн фаҳм айламас,
Маънию мағзини асло чайнамас!

Ишқ элини фаҳми бўлса англасун,
Ишқ эли жону жигарин доғласун!

Ишқ агар бўлса юракда заррача
Панд айтдим мен сизларга бир неча.

Ишқ сирини хотиримға келтуриб,
Маънисини яхшиларга билдуруб.

Ишқ сирини қилойин энди фош,
Англасун ҳар кимни бўлса бағри тош,

Тош агар бўлса бу сўз нарм айласун,
Муз каби бағрингни бу гарм айласун.

МЕНИНГ ҲОЛИМ ХАРОБ АЙЛАБ

Кўрунг бир дилбари золим менинг ҳолим хароб айлаб,
Ёқуб ишқ оташни жонимға, бағрим кабоб айлаб.

Кўзим телмургуриб ётгим, баса кўп хор бўлди бош,
Кириб хилватда ҳолим сўрмади чандин азоб айлаб.

Тилокимдур анинг васли, туну кун ёлвориб ҳақдин,
Очиб илким дуога йиғладим кўзлар пуроб айлаб.

Ётиб ҳажрингда беморе, бўлубман беҳуду хомуш,
Аё тан, сен нечук деб сўрмадинг мунча итоб айлаб.

Талабгори висолингмен, нечукдин билмадинг ҳолим,
Кириб олдимга бир соат, чиқарни кўп шитоб айлаб.

Яқинлик айладим чун ўтларингга, ҳижлатим кўцдур
Мени куйдургали шамъи юзунгни бениқоб айлаб.

Хумор айлаб кўзингни ҳам қабоқингни сузиб боқсанг,
Битай шаънингга юз дафтар мошоирлик китоб айлаб,

Кўзинг жаллоди бераҳму, камон абруларинг ўқлар
Мени бечоранинг чун ўлтурурға иштироб айлаб.

Гаҳи хушман, гаҳи нохуш, гаҳи беҳуш, гаҳи бохуш
Бу Бонуни хароб эттинг сочинг мушкин таноб айлаб.

БОНУ ҒАРИБ

Мен ғариб, Бону ғариб, отим ғариб, зотим ғариб,
Бу ғарибликда юрибман қаҳрабодек сарғариб.

Сарғайиб бир соддадил бечораман, ҳолим хароб,
Пур жафоу, пур алам, ғамгин эрурман мустариб.

Мустариб аҳвол муғлуғдур мени ялғуз бошим,
Мен гирифтори қафасмен мунисимдур андалиб.

Андалибдек термулибмен зору нолон мен яна,
Термулон ожизлара бўлғай фаросатлиғ қариб.

Қариб эткай бефаросат то саодатлик кунин,
Топмағаймен сар батанҳо, по батанҳо ахтариб,

Ахтарай то ўлгуча бир ичкуяр дилхоҳлик
Тўлди бағрим, эзди кўксум, кимга айтай ахтариб,

Қичқириб кўнглум ёзолмай термуларман ҳар сари,
Йўқки бир амма, хола, ё бир опа келса кириб.

Кирибон келса эшикдан гоҳ ногоҳ бир жигар:
Кўксум очиб кўрсатардим ҳам тақи бағрим ёриб.

Ёрибон бўлмас туфайли, дард бўлғондур дилим,
Кошки оқса ғарибликда юрак-бағрим эриб.

Эриб оқти, Бонуё, икки кўзунглин дарёлар
Йўқ бўлурсан бора-бора рангу рўй ҳам тан сизиб.

ГУССАДИН ФОРИФ БЎЛАЙ

Гуссадин фориф бўлай рухсори олингни кўруб,
Шаҳидин лаззат топай, ширин мақолингни кўруб.

Дарда тўлдум, ғамда сўлдум, билмади қайғумни эл,
Дардима дармон топармен юзда холингни кўруб.

Ишқи зиндониға ҳар кун бир асири зормен,
Қай куни озод бўлғай ой жамолингни кўруб.

Ҳазрати Юсуф жамолидур юзунгни партави,
Йўқ харидор анга ҳусни бокамолингни кўруб.

Кўҳи Қоф аҳли кўруб бир-бирлариға сўзлашур,
Хурлар хижолат топар феъли маолингни кўруб.

Лабларингга боғ аро гунча табассум қилғуси,
Сарвлар бергай салом навбар ниҳолингни кўруб.

Мушки анбарнинг иси бўйингни олдида хижил
Синди оҳуйи Хўтан мушкин ҳилолингни кўруб.

Неча кун ўтти, жудолик даштида лабташнамен.
Баҳра топсам кошки ширин зулолингни кўруб.

Ё паримусан, Эрам боғини товусимусан,
Жон берур Бону малак янглиғ хисолингни кўруб.

ЁР ЖАБР ЭТТИ

Ёр жабр этти дилим гарду губорин тозалаб,
Ширин-у Узро-у Лайли онлара андозалаб.

Гулгун этти ашки селобим тўкуб ҳар рўзу шаб,
Ўсма-у эллик, уфо-у ҳам кўзини фозалаб.

Дилбарим қаттиқ кўнгуллик, маҳвашим нозук бадан.
Тешти кўксум, эзди бағрим ноз узра нозалаб.

Фош этма, эй табибо, ишқи дардин тут ниҳон,
Иста мақсудинг худодин ўзлигингни созалаб.

Э ҳақим аҳли, билиб дардимни изҳор этмаким,
Топмади ҳеч шайъ муроде кори ишқ овозалаб.

Горат этти мулки танни шоҳи ошиқлар келиб,
Бир қуше учди қўлимдин кўк сари парвозалаб.

Фуқаро маҳвашлара қочди бу Бону бош эгиб,
Ал амон этти рақиблардин билинг дарвозалаб.

СЕНИНГ ИШҚИНГДА, Э ЖОНОН

Сенинг ишқингда, э жонон, битиб дафтар ёзай бот-бот.
Юрар билмай, турар билмай, мудом йўлдин озай бот-бот.

Ақл озиб, бошим қотти, турарға тоқатим тоқдур,
Олиб илкимга теша ҳар замон тоғлар қозай бот-бот.

Келойин деб берур ваъда ўшал нозук бадан гулруҳ
Селиб сув кўз ёшим бирла анго мен йўл тузай бот-бот.

Агар бир келмаса гулрух рақиблардин қилиб парҳез,
Иложин топмайин ночор меңам кўнгул узай бот-бот.

Анинг дардида йиғла-йиғла-ю, кўз ёш бўлур кўл-кўл,
Чўмуб ул кўллара, мен оби ҳайвондек сузай бот-бот.

Кўнгулда ишқи завқидин иморатлар бино бўлгон,
Тополмай ишқ давосин ул уйларни бузай бот-бот.

Бу Бону чанд сол ўтти, билинг бир мушти хок ўлди,
Қалам Исо дами бўлсун, меңам жон киргузай бот-бот.

ҲАМИША ҒАМЛИ ҚУЛЛАРҒА

Ҳамиша ғамли қулларга билинглар ошно давот,
Ки ғурбат дудида қап-қаро дилга рўшно давот.

Худойим лутф этиб берган давот ила қалам-қоғоз,
Сени қадрингни билмаслар тасаддуқмен сенго давот.

Йироқ бирла яқинларга ариза сўзин еткургон,
Ки қўп мўминга ғамхўрлик сенга жоним фидо давот.

Бу ишқ дардини айтолмай юракка ғуссалар тўлса,
Ёзарга дард-аламларнинг қалам бирла гувоҳ давот.

Қалам бирла сенга куч келмасун кам-кам ёзай дафтар,
Туман сўзни қилай бир сўз бида билсанг адо давот.

Худоё, шукр минг бисёр қаламдек ғамгузорим бор,
Ки минг дардга даво этган табиби дилрабо давот.

Жаҳонда бу давот ила қалам қадрини ким билгай?
Билай қадрингни дер Бону, керақдурсен менго давот.

УЛ ШҮҲ

Фариб жонимга қилди ҳар куни юз минг жафо ул шўх,
Вафони изладим андин, бўлубдур бевафо ул шўх.

Зулайҳое замонида туғилди мисри Ўш ичра,
Менга ул Юсуфи Канъон каби қўйди баҳо ул шўх.

Кийиб курта китони сочлари узра ярошиқдур
Келодур бирсари боқиб фаоли маҳлуқо ул шўх.

Билолмас ишқи қадрини ситам кўп еткурар ҳар кун
Ибо бирла ишоратни қилурди жо-бажо ул шўх.

Тамоми бош аёғи хўрбдур ўзга ярошуқда.
Билиб бўлмас анинг зиндони ишқ ичра фано ул шўх.

Кўриб чоҳи занаҳдонин ҳамиша банди зиндонман,
Анинг пероҳанин кўзга қилурдим тўтиё ул шўх.

Бу Миср ичра қаҳатликда жамолидин берур неъмат,
Висоли Юсуфин Бонуга кўргазди худо ул шўх.

СЕНИНГ ИШҚИНГДИН, Э ДИЛБАР

Сенинг ишқингдин, э дилбар, қилурмен ҳар замон сад дод,
Чидолмай дарди ҳажрингдин қилурмен дод деб фарёд.

Қилиб ишқинг жафосидин муҳаббат тоғини ковлаб,
Чопиб боғига ғамнинг тешасини йиғлади Фарҳод.

Қолиб ишқинг аро ҳайрон биёбонлар аро Мажнун,
Қадингдин ўргилай Мажнун мени ҳам қилғай эрдинг ёд.

Мени дардинг адо қилди, ажални қувладим қочти,
Ўлумумга яқин, кел эмди сен, эй кўзлари жаллод.

Аё золим сифат маҳваш, менга ҳеч келмади раҳминг
Мени қатлим учун олдинг қўлингга ханжари фулод.

Сенинг ошиқларинг кўндур баҳосиз бебаҳо бўлма,
Пучак пулга баҳо бўлди неча пайғамбарий авлод.

Муҳаббат лаззатин Бону Зулайҳо Мисридин сўрди,
Бўлурманму, аё дўстлар, бу ишқ зиндонидан озод.

ФАЛАК ОЗОРИДИН САД ДОД

Менга маккори золим макр этиб юз мевада гўллаб,
Бериб минг ваъдани қилмас вафо, айёрдин сад дод.

Бошимга ёғдурур борони ғамни ёзу қиш тинмай,
Кўруб кажликни дедим мен фалак озоридин сад дод.

Оғиз оша етушканда бурунни тегдуруб тоша,
Анга қул бўлдим, э дўстлар, жаҳон маккоридан сад дод,

Вафо тоғини қовладим бошимга текдуруб теша,
Қилибдур пора-пора золими хунхордин сад дод.

Висоли боқамолидин айирмоқ қасдини кўзлар,
Ёқиб рашк ўтининг ишқ эллара ағёридин сад дод...

Бу ғам гирдобидан фориг бўлолмай кўз ёшим оқти,
Деди Бону амон бермас менга ҳар кордин сад дод.

БҮЛДИ ДИЛ ХУНОБЛАР

Бу фалак кажравлигидин бўлди дил хуноблар,
Ашк боримдин тўкилгай коса-коса облар.

Зулми ағёра чидолмай ишқ майини нўш этиб,
Кунда-кунда хун ютиб бағрим тўла зардоблар.

Фурқату ғам бир сари, ишқнинг балоси бир сари,
Жон қутулмас икисидин бас бўлиб бетоблар.

Шарҳи дилни арз этарға дардмандон топмадим,
Сабру тоқат қолмади, кетти кўзумдин хоблар.

Муддаоинг не санам, қилдинг ситам уст- устина,
Юргузуб ҳукмингни ҳардам қулдуғинг шитоблар.

Офитоби ғамда қолдим, қил бошимға соя бахт,
Толеи шумум синиқдур, синди дурри ноблар.

Муштари, Миррих ситоранг сувға тушди, Бонуё,
Кўз ёшинг дарё бўлиб, тортти сени гирдоблар.

ЖОНФИЗО СЎЗЛАР

Юрак зардобидан доим қилибон ҳасрато сўзлар,
Битиб ашғорлар доим, ҳамиша жонфизо сўзлар.

Бу дунё корибориға таним тоқат қилолмайдур,
Тополмай лаҳзас ором, қилиб вовайлато сўзлар.

Ки мен олуцаи ғамда, не қайғурмен, аё дўстлар,
Куюб жоним, эзиб бағрим забоним муддао сўзлар.

Юрогим қон бўлуб оқти, десам ҳеч ким хабар олмас,
Тилармен ушбу кунларда ато бирлан ано сўзлар.

Ҳама ғамдин ўлум дарди ёмондур, э дилосолар,
Шикаста дил бўлуб ҳардам ки бир сўзни яно сўзлар.

Ўлум қилди ғариб, мунглуғ атойи офтобим йўқ,
Бўлуб онларни ёдида қилуб ҳамдам дуо сўзлар.

Баложў-у, ситамкашлар аро оворасидурман,
Қалам, қоғозга ғам айтсам ҳама олам менго сўзлар.

Дедилар: “Не бало бўлди сенга, бу сўзни сўзларсен?”
Бу сўзларни деган-чун менга ёру ошно сўзлар.

Сўзим меодини билмас шикамсер, дил бутун мардум.
Тегар ўқ ҳар қаёндин ушбу мискин дил яро сўзлар.

Ҳама эл етти мақсуда, етолмай йўлда қолганмен,
Ғам илкида бир ожизи ғариби бенаво сўзлар.

Тушиб бошимга бу савдо пароканда сўз айтурмен,
Бу Бонуға на бўлди деб менга халқи худо сўзлар.

УНУТМАСМЕН СЕНИ ҲАРГИЗ

Танимда токи жоним бор унутмасмен сени ҳаргиз,
Хаёлинга кетурмагил демасмен ўзгани ҳаргиз.

Ётубман остонангда сенинг ҳажри фироқингда,
Бу ёткон кимдурур деб келмадинг бир сўргани ҳаргиз.

Жафоу жабри кўп солдинг, аё э раҳми йўқ золим,
Юбормадинг хаёлинг итларини кўргани ҳаргиз.

Агар бир васл уйида ой юзунг шамъини ёндурсанг,
Рақибни русияҳлар қўймади ёндургани ҳаргиз.

Кўйингда ёстаниб нобуд бўлса хок-пойингда,
Висолимни талаб қилган демайдурсан мени ҳаргиз.

БУЗАР МАҲШАРНИ БОНУ

Сенга мен дил бериб бўлдим туну кун оҳ деб ношод,
Санам ҳажрингда қилгайман бу ўтган умрими барбод.

Чиқарга жон яқин бўлди рақиблардин ҳазар эттинг,
Умр наҳлин суғортирсанг на бўлғой қомати шамшод?

Ишимдур юз туман мушқил, мени ёрдам бўлак билмас,
Қийин бўлди менинг ҳолим, аё эй ёр, сендин дод.

Фалак чархинг бузулсин, мен ғариб бошида чўрулдинг,
Менга ҳар важҳа зулм эттинг, нетой жониммудур фўлод?

Ҳама эл орзусиға етиб бисёр шод ўлди,
Мени вайрона кўнглум бу жаҳонда бўлмади обод...

Ки бу дун илкида тутқун қафасда тўтидур жоним,
Қиёмат йид бўлганда бўлурман “Оҳ!” еб озод...

Борурмен дод деб ул кун яқо йиртиб бўёб қоним,
Жамолингга бўлуб восил, ўшал бўлғай эдим мен шод.

Ўшал кунда, менинг куйганларимдан сен эмасму деб
Умидим кўндур ул соат мени адлинг билан қил ёд.

Агар адлингда олмай, куйган элни куйдирар бўлсанг,
Бузар маҳшарни Бону қичқирурда дод деб бедод!..

ҲЕЧ КИШИ МЕНДЕК

Ҳеч киши мендек жаҳонни айшидин безор эмас,
Интизорлик тортмоқ учун доимо тайёр эмас.

Ишқи савдоси кўнгулда, ўзга ғам йўқ дилда ҳеч,
Ҳеч киши бағри менингдек доимо афғор эмас.

Орзуйи васли бирла беҳуду хомушмен,
Ҳеч киши васлин тополмай толиби дийдор эмас.

Даҳр доғидин юрогим таҳ-батаҳ қон боғлади,
Ҳеч киши мендек юроги даста-даста хор эмас.

Ҳар кеча тонг отгуча оху фиғоним гулгадур,
Булбули бечора афғони букун бекор эмас.

Гулшани мақсуд андин сабзу ҳуррам бўлмағай,
Ким баҳор абри масаллик дийдаси хунбор эмас.

Боргоҳи кибриёга ул қачон даркордур,
Ишқи бирла қон ютуб, дарди била бемор эмас.

Ишқ давосин қилур тонг отгуча ғафлатдадур,
Ошиқ эрмас ул киши дарди, била бедор эмас.

Орзуйи васли бирла рӯзу шаб бекор ўлуб,
Ғусса бирла қон ютуб бағри анинг зангор эмас.

Остонида ётиб дарди билан хоксор ўлуб,
Ошиқи дилхасталар ўлса кўйида ор эмас.

Бонуё, ҳар субҳидам оҳинг худоға тухфа элт,
Қулки беҳизмат келибдур хўжаға даркор эмас.

